

VI

О. Ф. Назаров

# Қашқар рүбөнің ұқытыш үслубиёти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

О.Ф.НАЗАРОВ

ҚАШҚАР РУБОБИДА  
ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ

(Маданият ва санъат лицей, коллежларининг талабалари ва  
ўқитувчилари учун ўқув-услубий қўлланма)



Тошкент – 2008

## МУАЛЛИФДАН

Мазкур иш қашқар рубобида ўқитиши масалалариға бағишенланган ўқув-услубий құлланмалардан биридир. Бұ құлланмани ёзишдан асосий мақсад қашқар рубобида ўқитишининг турли босқичларыда чалишни ўргатиши услубиети ва ҳар-хил күнікмаларни, ижро малакаларини шакллантириш, уларни ўзлаштиришнинг күпчиликка маълум бўлган усул ҳамда услубларини бир мажмуа сифатида мутахассисларга тавсия қилишдан иборатdir.

Ушбу құлланмага қадар Ф.Н.Васильевнинг «Рубоб дарслиги», «Қашқар рубоби учун гамма ва арпеджио аппликатураси», Қ.Усмоновнинг «Бошланғич рубоб дарслиги», Х.Нурматовнинг «Рубоб дарслиги», Р.Қосимовнинг «Анъанавий рубоб дарслиги» каби бир қанча құлланма ва дарсликлар чоп этилаган. Қайд этилган дарсликларда қашқар рубоби ҳақида қисқа, умумий маълумотлар берилган. Ушбу құлланманинг «Қашқар рубоби ҳақида маълумот» бўлимида таникли бастакор ва созанда М. Мирзаев томонидан рубоб чолғусини Ўзбекистонга олиб келиниши ва оммалашиши, унинг бугунги қуринишга етиб келгенича қилинган ишлар, хусусан XX асрнинг 40-50 йилларида ўзбек чолғуларини такомиллаштириш натижасида яратилган рубоблар оиласи, ҳозирги кунда бу чолғунинг қандай турлари мавжудлиги, нафақат Ўзбекистонда, балки, құшни давлатларда, хусусан Шинжөн Уйғур Автоном Республикасида учрайдиган турлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилди.

Илгари чоп этилган ишларда ҳам ижрочилик ҳолати, ўнг ва чап құллар, мизробни ушлаш, аппликатура ва позиция каби масалалар хусусида сўз юритилиб, умумий маълумотлар,

титріфлар билан чегараланган. Мазкур ишда ҳам юқорида титр қилинган мавзуулар ёритилиб ўқитиши, ўргатиши арабишила учрайдиган бир қанча муаммолар, камчиликлар шаралар түрі түзлаштириш, шакллантириш учун услубий тавсиялар билан бирга, уларнинг ўқув жараёнида ҳамда оғартишидаги аҳамиятлари ҳақида сўз боради. Шунингдек бир бўлим остида ижрочиликнинг бадиий хусусиятлари ва улар устида ишлаш мавзууларида ҳам бир қанча масалалар ёритилган.

Кўпчаб дарслик ва тўпламларда, хусусан Ф.Н.Васильев томонидан яратилган ишларда гамма ва арпеджио масалалари профилни ёритилган. Рубоб ижрочилиги даражасининг анча риноскланганлиги ва бу чолғунинг бугунги кундаги ижро имкониятларини ҳисобга олган ҳолда гамма ва машқлар маснави янгича бир таснифда кўриб чиқилди.

Ривожланган техника воситалари билан тўлиқ тъминланган ўқитиши жараёнида муҳим ўрин тутадиган устоз ва шогирд муносабатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилдики, бининг фикримизча чолғуда ижро этишни ўргатиши соҳасида бу асосий омиллардан биридир.

Ишни тайёрлашда бугунги кундаги мавжуд педагогик ва ижрочилик тажрибаларига асосланилди. Құлланмада келтирилган мусиқий намуналарнинг баъзиларини тегишли элемент акс этган бўлакларини келтирсан, баъзиларини ижро штрихлари, намунавий мисолларнинг моҳиятини, хусусиятини аниқроқ тушуниш мақсадида маълум куй бўлаги сики мусиқий фикрни охиригача келтириб ўтилди.

Мавзууларни ёритишида муайян штрих, ижро безаклари ва ижро этиш усуллари, шу билан бирга уларни ўзлаштириш нўл-йўриқлари каби фикрларни ўқувчиларга аниқроқ тушунтириш мақсадида бу масалаларга солиштириш, қиёслаш каби тамойилларга асосланган ҳолда ёндошилди.

Китобда келтирилган мулоҳазалар охириги фикр бўлмай, китобдан фойдаланадиган ҳар бир мутахассис ўз фаолиятида ўқитишининг янада мукаммалроқ усулларини топа олади ва ўқув амалиётида қўллайди деб ўйлаймиз.

Ушбу құлланмадан нафақат қашқар рубоби синфи, балки торли-мизробли чолғуларни ўқитишида, шунингдек чолғуларда

ўқитиши услубиёти, чолғушунослик каби йўналишларда ҳам кўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш мумкин.

Қашқар рубобида ва умуман чолғуларда ўқитишининг ҳамда чолғу ижроилигинг кўплаб томонларини илмий-назарий ва илмий-услубий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, ўрганиш, янги-янги қўлланмалар яратиш келажакда бу соҳани ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

## ҚЛШҚАР РУБОБИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Рубоб чолғуси Марказий Осиё халқлари ўзбеклар, токиқлар, уйғурлар орасида қадимий ва оммалашган чолғулардан бири ҳисобланади. Қашқар рубобнинг асосан ғенон ва қаерда пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар нуқта. Шунга қарамай тарихий манбааларда «рабоб», «ребаб», «рубоб» чолғуси ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди.

Бундай маълумотларни Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Абдулқодир Марогий, Дарвиш Али Чангий, Абдурауф Фитрат каби кўплаб алломаларнинг оспарларида кузатиш мумкин. XVII асрда Бухорода яшаган Дарвииш Али Чангийнинг «Мусиқа ҳақида рисола»сида XVI-XVII асрлардаги чолғулар ва созандалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Ўша даврларда танбур, чанг, қонун, ӯз, рубоб, қобиз, ғижжак чолғулари кенг тарқалган чолғулардан ҳисобланган.

Созандалар ҳақидаги маълумотлар орасида машҳур рубобчилар ҳақида ҳам сўз юритилади. Хусусан, «бухоролик Шийх Шамсий-Раббоний моҳир рубоб чолғучи, машҳур сифатида сифатида танилган. Унинг ижроси тингловчиларга шу ҳадар кучли таъсир қилганки ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Рубобнинг оҳангини эшитиб, бетакрор ижросидан ҳайратга тушган одамлар чор атрофдан тунланаверишган экан».<sup>1</sup>

Лекин бу асарларда сўз юритилган рубоб чолғулари айнан ҳолиги ёки бошқа бир кўринишдаги қашқар рубоби эканлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди.

<sup>1</sup> А.Одилов. «Ўзбек халқ чолғуларида ижроилик тарихи» Т., «Ўқитувчи» 1995.

Қашқар рубобининг Шинжонъ уйғурлари орасида тарқалган «дүлон рубоби» номли тури мавжуд. Унинг дастаси пардасиз, нақшли фасон қулоғи<sup>2</sup> ҳамда учта асосий ва бир неча резонатор торлари бўлиб, мизроб билан чалинадиган созлардан ҳисобланади.

Бу чолғу қадимги Торин ва Ёркент дарёси бўйларидаги воҳаларда яшаган Дўлон қабилаларининг қадимий чолғу асбоби ҳисобланниб, мелоддан 4 аср олдин қўлланилган деган маълумотлар бор<sup>3</sup>.

Хитой тарихчилари томонидан ёзиб қолдирилган «Тан подшолиги даврининг муҳим баёнлари» китобининг 33 жилдида «Қашқарлик беш торли рубоб устаси Пилол (Хитойда уни Пей Шин Фу деб аташган) рубобни мизроб билан чалади ва кейинчалик унинг бу хилда қадимги чалиш усули ҳамма жойларга тарқалиб кўплаб халқлар, мамлакатлар томонидан қабул қилинган» деган фикрлар келтирилади..

Қашқарда яшаган машҳур рубобчилардан Тошвой рубобчи (1864-1898) қашқар рубобининг оммалашшида катта ҳисса қўшган. Унинг кўплаб шогирдлари етишиб чиққан ва «Тошвой» деган мусиқаси ҳозирги кунда ҳам уйғур созандалари орасида машҳурдир<sup>4</sup>.

Бугунги кунда уйғур халқ мусиқа ижрочилигига рубоб чолғусининг «подачи рубоб», «қашқар рубоб», «дўлон рубоб» ва «бас рубоб» деб номланган 4 тури кенг қўлланилмоқда.

Уйғур қашқар рубоби – уйғур халқининг энг оммалашган чолғуси сифатида шаҳардан то кичик қишлоқларгача тарқалган. Унинг биринчи тори 1-октава «до» нотасига созланниб тўрттадан олтитагача резонатор торлари мавжуд.

Дўлон рубоби – «қумул рубоб» деб ҳам юритилиб асосий учта тори ля-ре-ля, ля-ми-ля, каби созланади. Бундан ташқари ўнтағача резонатор торлари бўлади.

<sup>2</sup> Рубобнинг ушбу бузак шохлари Фарғона водийсида «фасон қулоғи» деб ҳам юритилади. Кейинги бетларда «рубобнинг бузак шохлари» жумласи ўрнига, «фасон қулоғи» иборасини ишлатдик.

<sup>3</sup> Нематилло Мўжазий «Таворихи мусиқийн». Пекин миллатлар нашиёти. 1982.

<sup>4</sup> «Уйғур 12 мақомининг мелодия алоҳидалиги». 1995. Шинжонъ халқ нашиёти.

Бас рубоби эса ре-ля-ре, ре-соль-ре ноталарига созланниб оркестрларда кенг қўлланилади<sup>5</sup>. Булардан ташқари уйғурларда рубобнинг 8 торли тури ҳам мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор.

Маълумотларга қараганда, XIX аср охири XX аср бошларида ҳам Ўзбекистонда бу чолғу кам учраган ва дастасига ичак бояланган диатоник товушқаторли чолгулардан бири бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича 1936 йилда Фарғона водийсининг сўлим Шоҳимардан қишлоғида бўлиб ўтган халқ сайлида машҳур рубобчи М.Мирзаев қашқарлик бир созандадан рубоб чолғусини харид қиласи ва Тошкентлик уста Усмон Зуфаров билан бирга бу чолғуни қайта такомиллаштирадилар. Натижада рубобнинг мензураси узайтирилади, дастаси эса латун қаламчалар билан пардаларга тенг бўлиниб, ҳозирги кўринишдаги рубобни яратадилар. Рубобнинг қайд қилинган нусхаси ҳозир ҳам устоз М.Мирзаевнинг уйида сақланмоқда.

XX асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб, Тошкент Давлат консерваторияси қошида чолгуларни ўрганиш ва такомиллаштириш мақсадида профессор А.И.Петросянц бошчилигига экспериментал лаборатория ташкил қилиниб, унда ўзбек халқ чолгулари қайта ишлана бошланди. Жумладан қашқар рубоби ҳам қайта ишланиб, темперацияли товушқаторга асосланган прима, алът ва меццо-сопрано турлари яратилди. Натижада қашқар рубобида ўзбек халқ мусиқаси билан бирга кўплаб бошқа халқлар куйлари ва композиторлар асарларини ижро этиш имконияти пайдо бўлди. Рубоб-прима ҳозирги кунда амалиётда оркестр ва якканавоз ижрочилигда қўлланилаётган бўлса, қашқар рубобининг алът ва меццо-сопрано турлари қисман мактабларда ва оркестр ижрочилигига қўлланилмоқда.

Рубоб примада тўртга тор бўлиб, биринчи тори иккинчи октава МИ, иккинчи тори биринчи октава ЛЯ, учинчи тори биринчи октава РЕ ва тўртинчи тори кичик октава СОЛЬ ноталарига созланади. Меццо-сопрано рубоби эса биринчи жуфт торлар биринчи октава ЛЯ, иккинчи жуфт торлар биринчи октава МИ, учинчи тор эса кичик октава ЛЯ ноталарига созланади.

<sup>5</sup> «Уйғур чолғу асбоблари». Турсунжон Латип. Шинжонъ Университети нашири. 1997.

Меццо – сопрано рубоби биринчи жуфт торлар биринчи октава ЛЯ, иккинчи жуфт торлар биринчи октава МИ, учинчи тори кичик октава СИ ноталариға созланади.

Альт рубоби эса бешта торли бўлиб, биринчи ва иккинчи торлар жуфт торлар, учингиси эса ичак тордан иборат бўлиб, биринчи октава РЕ, кичик октава ЛЯ, кичик октава МИ ноталариға созланади. Қашқар рубобининг товуши ёзилганидан бир октава паст эшилтиса, янги яратилган рубоболар нота ёзуви баландлигига мос жаранглайди.<sup>6</sup>

Такомиллаштириш натижасида яратилган рубобларни фабрикада кенг миқёсда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида, бу рубобларнинг косаси ёғоч қовурғаларни бириктириб ишлана бошланди. Кейинчалик усталар такомиллаштирилган рубобларнинг ўйма косали турларини ҳам яратдилар<sup>7</sup>. Бугунги кунда рубобнинг қовурғали ҳамда анъанавий ўйма қашқар рубоб турлари амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Қовурғали рубоб дастасининг узунлиги анъанавий ўйма қашқар рубобига нисбатан қисқароқ ва ёғоч қулоқлар ўрнига металдан ясалган механик қулоқлар ўрнатилганлиги билан фарқ қиласди (1-2 расмлар).



1-расм



2-расм

<sup>6</sup> «Инструментоведение» А.И.Петросянц. Т., F.Фулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти. 1990.

<sup>7</sup> Эслатма: Такомиллаштирилган рубобни бундан кейинги булимларда «қовурғали рубоб» деб ҳам юритдик.

Қовурғали рубоб асосан бошланғич ўқув даврида, ўзининг ичамлиги ва созлаш имкониятининг бирмунча енгиллиги билан нисбатан қулай ҳисбланади. Анъанавий ўйма қашқар рубоби мензураси узунлиги сабабли товуш жарангдорлиги ва тинқ садоланиши билан ажралиб туради.

Қашқар рубобининг даста қисмида асосан 24 та метал пардалар жойлашган бўлиб, улар рубоб товуш қаторига хроматик тарзда 0,5 тондан қилиб жойлаштирилган ва тартиб бўйича бош қисмидан коса қисмига қараб саналади. Дастанинг бош қисми томонидан юқори ҳаррак ўрнатилган бўлиб, торлар шу юқори ҳаррак орқали қулоқларга тақилади. Юқори ҳаррак очиқ торларнинг таянчи ҳисбланади. Дастанинг косага туташган жойида фасон қулоқлари мавжуд.

Қашқар рубобнинг косаси асосан тут дарахтидан, дастаси эса ўрик дарахтидан ясалади. Торларни тортиб турувчи пломоқлар ҳам коса қисмида жойлашган бўлиб, улар ҳам ётодан ёки металдан ишланган бўлиши мумкин.

Рубоб косаси балиқ тери билан қопланади ва унга ҳаррак ўрнатилади. ҳаррак юмшоқ ёғоч ёки пластмассадан ясалган бўлмаслиги керак, аксинча қаттиқ ёғочдан ва ихчам шаклда бўлиши мақсадга мувофиқdir. Бундан ташқари ҳарракнинг баландлиги ва торларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви ҳам жуда муҳим. Торларнинг ораси жуда тор ёки кенроқ бўлиши мумкин эмас, чунки торлар ўзаро жуда яқин бўлса бармоқлар билан босилгандага бир-бирига тегиб қолади ва аксинча торлар ўзаро масофаси меъёридан кенроқ бўлса, торлар бармоқлар остидан чиқиб кетиши мумкин. Жуфт торлар ўртасидаги ўзаро масофа ораси тахминан 3 мм бўлса, биринчи, иккинчи ва учинчи торлар орали оралиги 10-12 мм бўлиши мақсадга мувофиқdir.


Ҳарракнинг баландлиги асосан чолғунинг садоланиши ва пардаларнинг аниқ созланишига мувофиқ ҳолда танланади. Бунда торлар дастадан жуда ҳам баланд ёки паст бўлмай чап қўл билан торларни пардага босиш учун қулай даражада бўлгани маъқул. Чунки, ҳаррак баланд бўлса жуда нокулай, паст бўлса овознинг сифати ўзгариб кетишига сабаб бўлади

Қашқар рубобида асосан бешта тор бўлиб, уларнинг тўрттаси металл ва биттаси ипак торлардан иборат. Металл торлар жуфт-жуфт қилиб, ипак тор эса алоҳида созланади.

Амалиётда 1-жуфт торларнинг қалинлиги 0,23- 0,24 мм, 2-жуфт торлар эса 0,25-0,28 мм қалинликда бўлади. Лекин ҳар бир чолғу ўзига хос бўлганлигини ҳисобга олиб, бу ўтчовларни рубобнинг овоз сифати ва созланишининг энг яхши ҳолатида танлаш мақсадга мувофиқдир. Юқорида таъкидлаганимиздек қашқар рубоби транспорт қилувчи чолғу бўлиб, ёзилишига нисбатан бир октава паст эшитилади. Қашқар рубоби соф кварталари инвервали, кварталари ва квинта-кварталари бўйича қўйидагича созланади:


1) Кварталари бўйича;

- 1-чи тор кичик октава **ЛЯ**
- 2-чи тор кичик октава **МИ**
- 3-чи тор катта октава **СИ**




2) Кварталари – квинталари инвервали бўйича:

- 1-чи тор кичик октава **ЛЯ**
- 2-чи тор кичик октава **МИ**
- 3-чи тор катта октава **ЛЯ**



3) Квинталари – кварталари инвервали бўйича:

- 1-чи тор кичик октава **ЛЯ**
- 2-чи тор кичик октава **РЕ**
- 3-чи тор катта октава **ЛЯ**




Қашқар рубобни созлашда аввал **ЛЯ** тори созланаб кейин унга мос равишда бошқа торлар созланади. Торларнинг созланганлигини 1-торда **МИ** нотасини (агар квинта-кварталари созланган бўлса **РЕ**) босиб 2-симнинг очиқ торларини чалиб октавани ва аксинча 2-торнинг 5-пардасини (квинта-кварталари созланган бўлса 7-парда) босиб унисон созланишини эшитиб кўриб, текшириш мумкин. 3-тор ҳам худди шу усулда текширилади.

Бундан ташқари торлардаги айрим пардаларни октава оралиғида садоланишини албатта текшириб кўриш керак. Чунки, фақат очиқ торларнинг октавасини текшириш билан чекланилса, торларнинг эскириши ёки парданинг ҳар-хил температурада ўзгариши ҳисобига бошқа пардалар соз бўлмай қолиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳарракни олдинга-орқага суриш билан созни тўғрилаш мумкин (агар пардалар очиқ

тори) нисбатан баланд бўлса ҳаррак илмоқлар томонга суриласди ва аксинча).

Агар жуфт торлардан бири узилса албатта янги жуфт торлар юниш тавсия этилади, чунки узилган тор билан узилмаган торнинг чўзилиш даражаси ҳар-хил бўлиб торлар бир-бирига соз бўлмайди.

Ўзбекистон давлат Консерваторияси қошидаги экспериментал лабораторияда кўп йиллар ижодий изланишлар олиб борган уста Усмон Зуфаров томонидан қашқар рубобининг қўйидаги кўринишдаги намуналари яратилган. «Тошкент рубоби» (3-расм), «Тамараҳоним» (4-расм) ва «Қашқар рубоб» (5-6 – расмлар)<sup>8</sup>.



Бугунги ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида қашқар рубоби кенг тарқалган бўлиб, бу чолғуда шашмақом асарлари ва ҳалқ куйларидан тортиб, композиторлар ижодига мансуб бўлган мураккаб, йирик шаклдаги асарларни чалиш имконияти мавжуд.

<sup>8</sup> Ушбу маълумотлар Ўзбекистон давлат консерваторияси миллий толқулар музейидан олинди.

## ҚАШҚАР РУБОБИДА ИЖРОЧИЛИК ТАЪЛИМИ

Қашқар рубоби ижрочилик амалиётида жуда кенг қўлланадиган чолғу ҳисобланади. Қашқар рубоб ўтириб ва туриб чалинадиган созлардан бўлиб, оркестр, ансамбль ижрочилигида ва яккахон ижрочилике жуда кўп қўлланилади

Чолғуни яхши ўзлаштириш учун ижро пайтида уни тўғри тутиш муҳимдир. Ижро пайтида ижрочининг ташқи кўриниши чиройли бўлиши, гавданинг, оёқ, қўлларнинг эркин тутилиши катта аҳамиятга эга (7,8-расмлар).



7-расм



8-расм

Ижрочилик ҳолатига дастлабки машғулотларданоқ катта эътибор бериш керак. Бунда ўнг ва чап қўлларнинг ҳолати, яъни чолғуни тўғри ушлаш, дастани тўғри тутиш, мизробни

тўғри ушлаш каби элементларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлишини таъминлаш энг асосий вазифалардан биридир. Чолғуни тутиш ҳолатидаги мавжуд бўлган камчиликлар кўпинча ижрочилик маҳоратининг паст даражада бўлишига ҳатто гавда тузилишининг нотўғри шаклланиб қолишига сабаб бўлади.

Ижрочилик ҳолатининг тўғри бўлиши ижрочига узоқ вақт чарчамасдан чалиш имкониятини беради. Бу эса ўқувчининг мунтазам равишда мустақил шуғулланишига ёрдам беради. Агар ўқувчидаги қўлларнинг, гавда қисмларининг қотиб қолиш ҳолатлари кузатилса у тез чарчайди, демак давомли равишида шуғуллана олмайди.

Ижрочилик ҳолати бир ёки бир неча дарсда ўзлаштириладиган жараён эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчи ўқувчи ёки талаба билан доимий равишида ижрочилик ҳолати устида ишлаш давомида уни нотўғри бўлиб қолмаслиги учун назорат қилиб бориш керак. Чунки ижрочилик ҳолати аввал яхши бўлиб, кейинроқ бузилиши ҳам учраб туради. Бундан ташқари ижрочилик ҳолати ўқувчи – ижрочининг концерт ижрочилигида, айнан яккахон солист сифатида ижрочилигида чолғу билан ҳамоҳанг ҳаракат қилишда, мусиқий асарнинг моҳиятини очиб беришда ва тингловчи томошабинда бадиий-эстетик таасурот қолдиришда асосий омиллардан биридир.


книжного письма и включает в себя как каллиграфию, так и книжную графику. Книжная графика — это книга, в которой текст и изображение не разделены, а тесно взаимодействуют, подчиняясь общему художественному замыслу.

# РУБОБНИ УШЛАШ ВА ТОВУШ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ҚҰНИКМАЛАИРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Рубоб косасини ушлаб туришда 3 нүқта асосий таянч вазифасини бажаради.

## Бүтәнчелар:


- а) гавданинг кўкрак қисми,
  - б) косани илмоқлар томонидан тутиб турувчи билакнинг юқори қисми.
  - в) рубоб косасини тагидан тутиб турувчи қисми (9-расм).



9-pacM


Бу уч нүкта жуда муҳимдир. Улар рубоб косасини пастга тушиб кетмаслигини ва аксинча тепага ёки ёнга чиқиб кетмаслигини таъминлайди.


Үнг құлнинг тирсак қисми рубоб косасини тағидан ушлаб тұраты. Демек, үнг құлни рубоб косасининг четига шундай қынның керакки, мизроб рубоб ҳаррагидан 7-8 см узокқылдағы тағиғаштан бұлсın. Бундай ҳолат айнаң үнг құлнинг пастга жорығында әркін ҳаракатланишини ва сифатли товуш ҳосил қылышни таъминлады (10-расм).



10-pacm

Агар мизроб ҳарракдан узоқлашиб кетса, ўнг қўл билак қисмининг қотиб қолиши ва товушнинг қўпол ёки ёқимсиз бўлиб қолиши тажрибада кузатилади. Аксинча агар мизроб (яъни қўлнинг панжа қисми) ҳарракка жуда яқин бўлса билакдаги куч панжаларгача етиб келмай, фақат панжа қисмининг ўзигина ҳаракат қиласди. Бу эса рубоб косасининг қимиirlаб ҳаракатланишига ва техник имкониятларнинг камайишига, натижада товуш кучи ва сифатининг пасайишига олиб келади.

Маълумки, мизроб барча мизробли чолғуларда товуш ҳосил қилишнинг асосий воситаси  Мизроблар шаклан ҳар-хил бўлиб, пластмасса ёки эбонитдан тайёрланади. (11-расм).






11-расм. Пластмасса ва эбонит

Амалиётда мусиқа мактабларида ўқитишнинг дастлабки босқичларида асосан пластмасса мизробдан фойдаланилади. Унинг шаклан каттароқ ва юмшоқдиги янги ўрганилаётганда бирмунча қулайдир. Эбонитлар албатта пишиқдиги ва сифатли товуш ҳосил қилиши билан пластмасса мизробдан афзал ҳисобланади.

Мизробни ушлаш учун ўнг кўл бармоқлари ярим айлана ҳолга келтирилади. Бунда бармоқларнинг сўнгти бўғинлари бир текисда букилиб, кўрсаткич бармоқнинг тирноққа яқинроқ жойига мизроб қўйилади ва бош бармоқ билан бўғинлари букилган ҳолда ушланади (12,13-расмлар).



12-расм



13-расм

Акс ҳолда мизробни сезиш ва бошқариш имконияти йўқолади. Айниқса мактаб ўқувчиларида мана шу хато кўп кузатилади. Бу техник камчиликларга сабаб бўлиб, ҳар-хил

штрихлар ва асарни динамик жиҳатдан тўлақонли ижро этиш имкониятларини камайтиради.

Шу камчиликни бартараф қилишда қўйидаги услубни тасвир қиласиз. ўқувчи ўнг қўлининг тўрт бармоғи бўғинлари букилган эркин ушлай оладиган бирон нарсани, (тажминан ручка үзинингидаги маҳсус чўп бўлиши мумкин) ушлатиб, ундан кейин мизробни кўрсаткич бармоқнинг охирги бўғинига тирноққа яқинроқ жойга қўйиб, бош бармоқ бўғинлари букилган ҳолда ушланади ва синфда ўқитувчининг назорати остида машқ қилинади. Бундай машқ қилинганда панжалар обраси очилиб ҳам ёки аксинча жуда қўп букилиб ҳам кетмасдан меъёрда бўлади ва ўз-ўзидан мизробни кўйишга ва ушлашга қулай ҳолат юзага келади.


Товуш чиқариш усули барча мизробли чолғуларда деярли бир хил. Албатта ҳар бирининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб бундан қашқар рубоб ҳам ҳоли эмас. Қашқар рубобида товуш чиқариш усулларининг бошқа мизробли чолғулардан фарқи ёки ўзига хослиги шундан иборатки, унинг дастасининг узунлиги, торларининг майинлиги ва жарангдорлиги ҳамда ижро имкониятларининг кенглиги қашқар рубобда ўзбек классик мусиқаси, мақом қуйлари ҳамда дунё композиторлари асарлари намуналарини ижро этиш имкониятини беради.

Товуш чиқариш усуллари асосини пастга ва юқорига уриладиган зарблар ташкил қиласиди, яъни қашқар рубобида мизроб билан пастга ва юқорига зарб бериб, товуш ҳосил қилинади ва бу зарбларнинг турли хил комбинацияларидан товуш чиқаришнинг хилма-хил усулларини ҳосил қилишимиз мумкин.

Шу 2 та усулни кўриб чиқамиз.

Пастга зарб – П ёки Л юқорига зарб эса У – белгиси билан ифодаланади. ўргатишнинг дастлабки босқичида ўқувчига мизробни тўғри ушлашни ўргатилгач, албатта пастга зарб билан чалишни ўргатишдан бошланади. Бунда ўнг кўл панжалари эркин ҳаракат билан пастга зарб беради. Бу машғулотни очиқ торларда маълум вақт давом эттирилиб, кейин чап кўл билан энг қулай босиладиган пардаларда давом эттирилса, ўзлаштириш осон бўлади.

1-мисол



2-мисол



Юқоридаги мисол ва шунга үхшаш машқларни чалғанда үнг құл навбатдаги зарбни беришга тепага күтарилаётганда мизроб симга тегиб кетмаслиги учун айланма ҳаракат қилини керакки, бу үнг құлнинг сиқилмасдан ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Юқорига бериладиган зарб эса мизробнинг пастдан тепага қараб урилиши билан ҳосил қилинадиган энг оддий усуллардан бири. Лекин айнан шу усулнинг тұлық үзлаштирилмаслиги рез, триоль ва шу каби усулларнинг ҳам тұлақонли чиқмаслигига ва кейинчалик ҳам созандаларнинг ижросида товуш сифатининг пастлигига, кучсизлигига ва үз-үзидан мусиқий асарнинг ижроси тұлақонли бұлмаслигига сабаб бұлади.

Бунга асосий сабаб, юқорига урилған зарбнинг кучсизлигидайды, яғни үнг құлнинг пастта бұлған ҳаракати күчлироқ, юқорига ҳаракати эса күчсизроқты. Буни тенглаштиришга алоқида әътибор бериш керак. Чунки, агар юқорига қанчалик зарб билан урилмасын мизробнинг торға тегиши нүктаси нотұғри бұлса товуш нотекис ва сифатсиз бўлиб қолаверади. Аксарият ҳолларда үқувчиларнинг юқорига берадиган зарблари фақат битта симга тегади ёки үнг құлнинг айланма ҳаракат құлмаслиги сабабли медиатор билан симга пастдан зарб берилмай, тирнаб овоз чиқариш қолатлари кузатилади.

Демак, юқорига кучли зарб бўлиши билан бирга пастта урилған зарбнинг товуш кучи билан баробар товушга әришишга асосий әътиборни қаратиш лозим, чунки *f* ёки *pp* чалингданда ҳам пастта-тепага уриб чалинади ва улар овоз кучи жиҳатидан бир-бирига тенг бўлиши керак. Бунга юқорида таъкидлаганимиздек айнан мизробни бошқара олиш билан-гина әришиш мумкин.

Кашқар рубобида мизроб билан товуш ҳосил қилишдан ташқари үнг құлнинг бош бармоғи билан торларни уриб товуш чиқариш усуни ҳам мавжуд. Бу «пиццикато» штрихини чалиш услубидир. У асосан оркестр ва ансамбль ижрочилигида аккордлар ҳамда айрим мусиқий жумлаларда жуда юмшоқ ижролар учун ишлатилади.

Модомиқи, қашқар рубобида ва умуман мизробли өнгілдерде товуш асосан мизробнинг торға урилиши билан ҳосил қилинар өзин, демак асосий әътибор үнг құл қолатига, мизробга ва уни бошқаришга қаратылса, мақсадта мувофиқ бўлади.

## ЧАП ҚҰЛ БАРМОҚЛАРИ ХАРАКАТЛАРИНИ ҮЗЛАШТИРИШ

Чап құлнинг дастага тұғри қўйилиши, бармоқларнинг ҳаракатланиши, пардаларни үз вақтида босилиши тоза товуш ҳосил қилиш малакаларини үзлаштиришда катта аҳамиятта эга.

Рубоб дастаси бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасида бўлиб буила даста сиқиб ушланмаслиги, бош бармоқ эса иккинчи ва учинчи бармоқлар ўртасида туриши керак. Бунда кафтнинг дастага ёпишиб турмаслигини доим назорат қилиш лозим. Дастребки ўрганиш даврида үқувчиларда товушнинг тиник чиқмаслиги кузатилади. Бунинг сабабларидан бири пардаларни

бармоқларнинг учи би ла н босмаслигидайды. Б у н д а бармоқларнинг охирги бўғини албатта букилган бўлиши ва пардага кўндаланг эмас, балки коса томонга қаратилиб, шу томонга яғни пардага яқин жойда



14-расм

босиш мақсадга мувофиқдир (14-расм).

Рубобни ушлаганда дастанинг учи елка баландлиги билан баробар бўлгани маъқул. Чунки, бундай ҳолат үқувчи учун қулай ва шу билан бирга чиройли кўринишга эга бўлади.

Агар дастанинг баланд ёки паст булиши кузатилса, унда ўнг қўлнинг ҳолатида камчилик бўлиши мумкин, сабаби иккала қўл бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Чап қўлнинг тўғри қўйилишини таъминлаш учун амалда текширилган қўйидаги усулни тавсия қиласиз.

Биринчи торнинг МИ пардасидан СОЛЬ пардасигача тўрттала бармоқни юқорида кўрсатилганидек қилиб қўйилади. Бош бармоқ эса 2 – ва 3- бармоқлар ўртасига жойлашади ва кафтни дастага ёпиштиргмаган ҳолида бош бармоқнинг уни дастанинг юқори қиррасига тўғри қилиб қўйилади. Мана шу ҳолат ўқувчи билан дарс жараёнида амалга оширилади ва доимий кузатиб борилса, чап қўл бармоқларининг қандай қўйилиши бўйича ҳақиқий тасаввур ҳосил бўлади.

Қашқар рубобида бармоқлар номланиши қўйидагича;

1 – кўрсаткич

2 - ўрта

3 – номсиз

4 – жимжилоқ

Чап қўл дастага тўғри қўйилишини содда, қийин бўлмаган машқлар билан ўзлаштириб бориш керак.


3-мисол




4-мисол



5-мисол



6-мисол



Бу машқларни чалганда юқорига ҳаракат пайтида нотани чалиб бўлган бармоқларни пардаларни босиб туришига, пастга ҳаракат пайтида эса чалиб бўлган бармоқларнинг жуда кўтарилиб ёки пастга тушиб кетмаслигига алоҳида эътибор бериш керак. Биринчи бармоқ эса дастадан кўтарилимасдан сурилиб бориши лозим. Худди шу хатолар амалда жуда кўп учрайди, натижада ўқитишининг юқори босқичларида йирик асарлар ижро этганда, чап қўлнинг нотекис ҳаракатланишига олиб келади.

Чап қўл бармоқларида учрайдиган шундай камчиликларни бартараф қилишда бармоқларнинг кенг жойлашган усулда яъни катта терция интервали қамровида дастага қўйиб чалмасдан маълум вақт мобайнода ушлаб туриш яхши натижа беради.

Кўпинча дастлабки ўрганиш даврида фақат 1-тор яъни ЛЯ-торидаги машқ ва қўйлар ўргатилади. Бу эса кейинроқ бошқа торларда ноталарнинг жойлашишини тез аниқлашда ва уларнинг ижро этишда муаммолар келтириб чиқаради. Шунинг учун иложи борича дастлабки даврданоқ ҳар-хил торларда машқлар ва қўйларни ўргатиш яхши самара беради.

7-мисол



8-мисол



9-мисол

**Самолёт**

*A. Илесов*

Секин

Fingerings: 1 3, 1 3, 1 3 1 3 1, 3 1 4 3, 1 1 2, 1 2 4 2 1 1  
4 1, 3 1, 3 1 2 1, 1 1 2, 1 2 4 2 1 1

10-мисол

**Баҳор**

*O. Назаров*

Үртача тез

Fingerings: 0 1 3 0, 1 4 3 1 1, 3 1 0 3  
1 4 3 1 3

Юқорида келтирилган машқ ва кичик асарлар бошлангич босқىчдаги айрим мисоллардир. Бу машқлар бир қарашда оддий бўлиб кўринсада, ўқувчи шундай машқлар орқали хархил торларда ноталар жойлашишини ўрганибгина қолмасдан, уларда чалиш кўникмаларини яъни ўнг ва чап қўл ҳаракатларини ҳам ўзлаштириб боради.

Мусиқа чолғусида ўқитиш индивидуал характерга эга бўлганлиги боис ўқитувчилар албатта бу жараёнга ҳам ижодий ёндашиб ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларга мос келадиган асарларни мақсадга мувофиқ равиша танласалар ўрганилаётган усуллар, штрихларнинг осон ўзлаштирилишида кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Асарлардан ташқари албатта бир октавали гаммаларни, (яъни ДО мажор, ЛЯ минор) маълум бир штрихда чалиш ўнг ва чап қўлнинг ривожланишига ёрдам беради.

11-мисол

До мажор

Fingerings: 1 3, 1 2, 4, 1, 3

12-мисол

Ля минор

Fingerings: 1 2, 1 3, 4, 1, 3

Умуман ўқитишининг кейинги босқىчларида доимий равиша ҳар-хил штрихлар ва товуш сифати устида ишланганда ҳам икки октавали мураккаб гаммалар асосида машқлар қилиш чап қўлнинг ҳаракат тезлиги, равонлиги, енгиллигини ва товушлар ҳосил қилишда аниқликни ривожлантиради.


Замонавий композиторлар асарларида қашқар рубоби ижро диапозонининг юқори регистрларида ҳам пастки регистрларида ҳам тез суръатли, техник жиҳатидан ўта мураккаб асарлар учраб туради.

13-мисол

**Концерт**  
(қашқар рубоби учун)  
каденция

*X. Раҳимов*

Fingerings: 6, 6, 6, 6



14-мисол

### Концерт

Тез

O.Абдуллаева



15-расм

Юқоридаги мисолимизда ва шунга үхшаш асарлар ижросида чап күл бармоқтарининг аниқ ҳаракати ва рубобнинг ҳар бир пардасини жуда яхши сезиши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир нотани бармоқтар учи билан босиши ва аппликатуранинг түғри танланиши жуда муҳим ҳисобланади.

Күпинча, айрим ўқувчиларда шундай асарларни 10-12-позицияларда ижро этганда чап қўлнинг қисилиб қолиши эркин ҳаракатлана олмаслиги ва дастанинг кўкракка тақалиб қолиш ҳолатлари кузатилади (15-расм).

Бундай ҳолда ўнг кўл ҳолатини синчиклаб кўриб чиқиши керак, унинг сабаби ижрочилик ҳолатининг бузилганлиги бўлиши (масалан, рубобнинг коса қисмини тутиб турадиган йи нуқта ҳолати бузилган бўлиши) мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек ўнг ва чап қўллар бир-бири билан узвий боғлиқ ва улар қашқар рубоб ижрочилик ҳолатини ташкил қиласди. Ижрочилик ҳолатининг бузилиб қолмаслигини бора доимий назорат қилиб туриш керак. Агар ўқувчиларга кўпроқ вазифалар бериб, уларни вақтида бажаришга ўргатиб, вазифа ва топшириқларни мураккаблаштириб борилса, улар учун қийинчиликларни енгис ва ижро малакаларини тез ўзлаштириш имконият даражасидаги талабларга айланади ва қийинроқ бўлган асарларни ўзлаштириш осон кечади. Бу эса қийинчиликларни енгис, мунтазам ўз устида ишлаб бориш кўникумаларини шакллантиради.

## ШТРИХЛАР ВА УЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Мусиқада штрихлар бадий асарнинг моҳиятини, характерини ва бадий ифодалилигини очиб берадиган ижро усулидир.

Айрим адабиётларда штрих, «товуш чиқариш усули» деб ҳам аталади. Айни бир пайтда штрихларни ҳар бирини алоҳида олиб изоҳлаганде товуш чиқариш усули бўлса, бадий асар ижросида эса улар мажмуаси ижро усуллари кўринишида намоён бўлади. Чолғу ижрочилиги бу ижодий жараён. Чунки маълум бир мусиқий жумлани ҳар-хил штрихда чалиб кўрилгандан кейин ўша жумлани очиб бера оладиган штрих танланади. Мусиқий педагогика ва мусиқашунослик соҳасидаги изланишлар, композиторларнинг ижоди ва умуман мусиқанинг ривожланиши ҳозирги замон чолғу ижрочилигининг ва шу билан бирга ижро усулларининг ҳам ривожланишига асосий сабаб бўлмоқда.

Штрих устида сўз юритар эканмиз, ижрочиликда уларнинг аҳамияти жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўқитувчи ўқувчига янги, нотаниш асарни ўргатар экан унинг ҳар бир жумласини қандай штрихда чалиш мақсадга мувофиқлиги устида жиддий ўйлаб кўриши керак. Чунки педагогик тажрибадан маълумки, қашқар рубобида бошқа чолгулар учун ёзилган хилма-хил асарлар ижро этилади. Демак, бундай асарлар қашқар рубобида ижро этилганда шундай штрихлар танланниши керак-ки, асарнинг ижросида унинг бадий моҳияти зарар кўрмасин.

Энди қашқар рубобидаги штрихларни бирма-бир кўриб чиқамиз. Товуш чиқариш усули деб атаганимиз пастга ва

тага бериладиган зарблар нафақат қашқар рубоб ижрочилигига балки барча мизробли чолгуларнинг асосий штрихларидан биридир. Улар қолган барча штрихларнинг ябоси бўлиб хизмат қиласи. Пастга ва тепага бериладиган зарблар ҳақида «товуш ҳосил қилиш» бобида тўхталиб ўтган эдик.


Матъумки, қашқар рубобида куйчан, майнин асарларни чалишда треколо – яни рез усулидан фойдаланилади. Рез пастга ва тепага зарб беришнинг тез ва узлуксиз алмашинишидан ҳосил бўладиган штрихдир. Бу усулни катта чўзимли ноталарни аста-секинлик билан треколо қилиб чалиб ўзлаштириш лозим. Резнинг яхши ўзлаштирилиши пастга ва тепага уриш кўникмаларининг қанчалик ўзлаштирилишига боялиқ. Бунда албатта ўнг қўлнинг эркинлигини таъминлаш керак. Пастга ва юқорига берилган зарбларнинг бир текисда бўлишига ўнг қўлнинг фақат панжа қисми билан бахарилгандагина эришиш мумкин. Айрим асарларда чап қўл билан горни тебратиш резнинг характеристини очиб беради. Лекин бу тебраниш маълум меъёрда бўлиши керакки, шу орқали резнинг майнлигига эришилади ва айнан шу усул билангина куйнинг характеристи очилади. Куйидаги мисолларда тўлқинсимон белги қўйилган ноталарни тебратиб чалиш намунасини кўришимиз мумкин.

15-мисол

Концерт №2  
(II қисм)

Х.Хонмамедов

Огир, тантанавор




16-мисол

**Уйгурча қүшиқ ва рақс**

*Ф. Васильев, М.Мирзаев*

Майин



Бу штрих нафакат секин суръатли куйларда ёки катта чўзимли ноталар ижросидагина эмас, балки тез суръатли, виртуоз асарларда ҳам кенг қўлланилади. Шунинг учун резни пастга уриш билан бошлаб, юқорига ва пастга уриш билан тугаллаш керак. Биринчидан агар рез пастга уриш билан тугалланса, товушнинг охирида ортиқча зарб берилмаслиги ва товушнинг ёки мусиқий жумланинг охирি баланд овозда тугалланиб қолмаслигига эришишимиз керак. Бундай ҳолат қуйидаги мисоллардаги каби қўпинча секин суръатли асарларда ва охири *pp* чалиниб тугалланадиган товушларда учрайди.

17-мисол

**Анданте**

*K.Караев*

Секин





18-мисол

**Сабо**

*I.Рахимов*

Ўртacha тез



Иккинчидан тез суръатли ёки «легато» яъни бир неча тектдан иборат товушларни ҳам бир-бирига боғлаб чалинганда резнинг юқорига узилиши кейинги мусиқий жумлаларни яна пастга зарб билан бошлашга имконият яратади ва ўнг қўл ҳаракатининг енгиллигига, охир оқибатда эса ижочининг узоқ вақт ҷарчамай чалишига замин яратади.

19-мисол

**Поэма**

*M. Бафоев*

Тез



Қўпинча гарб композиторлари асарларида майин ва куйчан ҳарактердаги жумлаларда аккордли ва икки овозли мусиқий асарларни ҳам иккала торда баробар рез қилиб чалинади.

20-мисол

**Пассакалия**

*Ф.Гендель*

Ўртача тез



21-мисол

**Фантазия**

A. Калинкин

Шошмасдан



Бунда ўнг қўлнинг ҳолати иккала торнинг ўртасида тутилиши ва иккала торга урилган зарблар тенг бўлиши ҳамда чап қўл бармоқлари пардаларни жуда яхши сезиши натижасида товушларни текис, равон ва бир-бирига боғланган ҳолда эшитилишига эришиш мумкин. ўқувчиларда торлардан бирининг овози баландроқ чиқиб қолиши кўп кузатилади. Бунга рез штрихи кўникмаларини етарли ўзлаштирилмаганлиги ва ўнг қўл ҳаракатларининг сиқиқ ҳолатлари сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари ўнг қўлнинг бош бармоғи ва кўрсаткич бармоғи мизробни жуда яхши бошқара билишини таъминлаш учун уни назорат қилиб туриш керак. Куй характеристи ва суръатининг кескин ўзгаришида ва тордан - торга ўтиш ёки бирданига иккала торда рез штрихида ижро этиш ҳолатларида ҳам бу жуда катта аҳамиятга эга.

Мусиқа ижрочилигига нафақат катта чўзимли товушлар, балки бир товушни узиб-узиб рез чалиш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Бу резнинг - «қисқа рез» деб аталадиган туридир.


Қисқа резни ижро этганда ўнг қўл ҳаракатининг енгил бўлиши муҳим. Чунки бунда ҳар бир рез алоҳида узилган, яъни мизробни тордан олиш билан эмас, балки товуш чўзими тугагач, мизробни бир оз тепага кўтарилиши ва кейинги резни давом эттириш йўли билан ижро этилади. Қисқа рез албатта тепага узилиши билан ўзига хос бўлиб, бу резнинг охирида зарб берилмаслигига ва енгил бўлишига, шунингдек ўнг қўлнинг қотиб қолмаслигига олиб келади.

22-мисол

**Баллада**

C. Ҳайитбоев

Тезроқ




23-мисол

**Дутор баёти**

Ўзбек ҳалқ қуи,  
Э. Шукруллаев қайта ишлаган

Тез



Бундай усул кўпроқ композиторлар ижодида синкопали жумлаларни ижро этганда ва ҳалқ қуиларининг айrim намуналарида ишлатилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, рез ва қисқа рез штрихлари барча мусиқий асар ижросида бир хил характеристерга эга эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек қашқар рубобида шашмақом куй ва ашулалари, ҳалқ қуилари билан бир қаторда жаҳон классик мусиқа намуналари, замонавий композиторлар асарлари ижро этилади. Шашмақом намуналаридаги рез билан ҳалқ қуиларидаги рез ва композиторлар асарларидаги резлар характеристи бошқа-бошқадир. Бунга нафақат тремоло чалиш кўникмаларини ўзлаштириш билан, балки ҳар хил йўналишдаги асарларнинг мазмун моҳиятини теран англаш билан ҳамда қашқар рубоб ижрочилик мактаблари ёки йўналишларини пухта эгаллаш билангина эришиш мумкин.

Мизробли чолгуларда ўзига хос ижро усуllibаридан бири тескари зарб усулидир. Мусиқа тактларининг кучли ҳиссалари билан зарб акцентининг мос келмаслиги тескари зарб усулини келтириб чиқаради. Куйидаги мисолларда композиторлар асарларида ва ижрочилик тажрибасида учрайдиган тескари зарбларнинг бир нечта турини учратиш мумкин:

24-мисол




25-мисол



26-мисол



27-мисол



Бунда зарбларнинг йифиндиси маълум синкопали метроритмик шаклни ҳосил қиласди. Тескари зарб штрихини ижро этишда зарбларнинг пастга-тепага урилишида қийинчиликлар кўзга ташланади. Чунки, кўпинча тескари зарб куйнинг таянч товушларидан бирида квартат, квинта ва октава интерваллари оралиғидаги аккордлар усулидан иборат бўлади.

Усулининг пастки товуши иккинчи торда ижро этилади. Маълумки, зарблар алмашинувининг иккинчи торга тўғри келиши ва унинг тепага урилиши бирмунча ноқулайлик келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда зарблар ҳаммаси пастга урилиб, акцентларни ажратиб кўрсатиш керак. Тескари зарб

усулини яхши ўзлаштириш мақсадида қуйидаги машқларни тансия қиласмиш.

28-мисол



29-мисол



Ушбу ва шунга ўхшаш машқларда пастга-тепага берилган зарбларнинг ҳар-хил торларга тўғри келиши фақат тескари зарб усулини ўзлаштиришда эмас, балки мураккаб асарларни ижро этишда ҳам ўз самарасини беради деб ўйлаймиз.

Бастакорлар Р.Турсуновнинг «Нози карашма» ва М.Мирзасенвинг «Дилрабо» куйларидан келтирилган парчаларда тескари зарб усулининг кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. «Дугор баёти»да рубоб ЛЯ-МИ-ЛЯ, «Дилрабо» куйида эса ЛЯ-РЕ-ЛЯ ноталарига созланган бўлиб, тескари зарб айнан МИ ва РЕ ноталарida ҳамда очиқ торларда амалга оширилади.

30-мисол

**Дутор баёти**

Тез, енгил	Узбек ҳалқ қуйи

Мизробли чолгуларда ўзига хос ижро усулларидан бири тескари зарб усулидир. Мусиқа тектларининг кучли ҳиссалари билан зарб акцентининг мос келмаслиги тескари зарб усулини келтириб чиқаради. Куйидаги мисолларда композиторлар асарларида ва ижрочилик тажрибасида учрайдиган тескари зарбларнинг бир нечта турини учратиш мумкин:

24-мисол




25-мисол



26-мисол



27-мисол




Бунда зарбларнинг йиғиндиси маълум синкопали метроритмик шаклни ҳосил қиласди. Тескари зарб штрихини ижро этишда зарбларнинг пастга-тепага урилишида қийинчиликлар кўзга ташланади. Чунки, кўпинча тескари зарб куйининг таянч товушларидан бирида кварта, квинта ва октава интерваллари оралиғидаги аккордлар усулидан иборат бўлади.

Усулининг пастки товуши иккинчи торда ижро этилади. Маълумки, зарблар алмашинувининг иккинчи торга тўғри келиши ва унинг тепага урилиши бирмунча нокулайлик келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда зарблар ҳаммаси пастга урилиб, акцентларни ажратиб кўрсатиш керак. Тескари зарб

усулини яхши ўзлаштириш мақсадида қуйидаги машқларни тасвия қиласмиш.

28-мисол



29-мисол



Унибу ва шунга үхшаш машқларда пастга-тепага берилган зарбларнинг ҳар-хил торларга тўғри келиши фақат тескари зарб усулини ўзлаштиришда эмас, балки мураккаб асарларни ижро этишда ҳам ўз самарасини беради деб ўйлаймиз.

Бастакорлар Р.Турсуновнинг «Нози карашма» ва М.Мирзасиннинг «Дилрабо» куйларидан келтирилган парчаларда тескари зарб усулининг кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. «Дугор баёти»да рубоб ЛЯ-МИ-ЛЯ, «Дилрабо» куйида эса ЛЯ-РЕ-ЛЯ ноталарига созланган бўғлиб, тескари зарб айнан МИ ва РЕ ноталарида ҳамда очиқ торларда амалга оширилади.

30-мисол


**Дугор баёти**

Узбек ҳалқ қуи

31-мисол

**Дилрабо**

Кувноқ




Қашқар рубобида кўп қўлланадиган штрихлардан яна бири бу триолли штрихдир. Триолли штири мусиқада жуда кўп учрайди. Трио – (лотинча. «Tres» – сўзидан) – уч нотадан тузилган маҳсус ритмик шакл бўлиб, унинг узунлик миқдори шу турдаги, одатда икки нотага тенг<sup>9</sup>. Ўзбек мусиқасида бу «уфори» деб ҳам юритилади. Триолли штири зарбларининг турли томонларга уриб чалинишининг гувоҳи бўламиз.

32-мисол

**Анюта**

Тез




<sup>9</sup> Акбаров И.А. «Музика луғати» F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти. 1987.

33-мисол

**Тарантела**

**Ж.Россини**

Тез




34-мисол

**Муқаддима**

**А.Мансуров**


Кувноқ



35-мисол

**Хоразм лазгиси**

Шўх



Юқоридаги триолли штириларни чалишда триоль товушларининг текис ва товуш баландлигининг бир хил чиқиши муҳимдир. Шундай бўлсада Ж.Россинининг

«Тарантелла», Г.Гаврилининг «Анюта» асарларида зарбларнинг кескинлиги, товушнинг қисқалиги билан характерли бўлса, А.Мансуровнинг «Муқадимма», ҳамда «Хоразм лазгиси» каби ўзбек куйларида эса зарблар у қадар кескин бўлмай, товушларнинг нисбатан юмшоқроқ чалиниши билан ажralиб туради. Чунки ўқувчилар бундай штрихли асарларни ижро этганларида юқорига берилган зарб товушининг тўлақонли чиқмаслиги ва чалинган ҳар уч товушнинг тизими жиҳатидан текис эшитилмаслиги, кўп кузатилади. Триолли штрихни узлуксиз тез суръатли асарларда чалиш бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Бунда чап ва ўнг қўлларнинг бир-бирига мутаносиб ҳаракат қилишига эришиш керак. Буни секин суръатда аста-секин машқ қилиб ўзлаштиришга эътибор бериш зарур. Бу усулни чалишда овоз сифатига эришиш учун қашқар рубобининг 3-торида машқ қилиш яхши самара беради. Чунки, 3-торнинг бирмунча қалинлиги ва бу торда чалишнинг қийинлиги ҳамда қолган 2-торга нисбатан юқорироқда жойлашганлиги ўнг қўлнинг имкониятларини максимал сарфлашга мажбур қиласди. Бундай машқдан кейин эса 1- ва 2-торларда триолли штрих чалиш анча яхши ўзлаштирилади.

Юқорида биз асосий ижро штрихларини кўриб чиқдик. Бу штрихлар мизробли чолгуларга, хусусан қашқар рубобига хос бўлган ижро штрихлари эди.

Энди мусиқада мавжуд бўлган стаккато, легато каби мусиқий штрихларни кўриб чиқамиз. Бу штрихлар чолгулар туридан қатъий назар мусиқада аниқ қилиб белгиланган бўлиб, улар шу мусиқий асарнинг мазмун-моҳиятини, характерини очиб бериб, унинг бадиий ифодалилигини оширадиган асосий омиллардан биридир. Бу мусиқий штрихлар фортелиано, чанг, фижжак, най, рубоб, скрипка каби барча чолгуларда шу чолгуларнинг бошқа ижро штрихлари ёрдамида амалга оширилади. Куйида биз бу штрихларни қашқар рубобида ижро этиш усулларини кўриб чиқамиз.

Легато (ит. «legato» – «боғлаб», «силлиқлаб»)<sup>10</sup> – композитор томонидан белгиланадиган бўлиб, уни айнан легато яъни товушларни бир-бирига боғлаб чалиш керак бўлади. Легато

<sup>10</sup> Крунтяева Т.С, Молокова Н.В. «Словарь иностранных музыкальных терминов» Л. «Музыка». 1987.

товушларни маълум бир мазмун остига бирлаштиради. Буни амалга ошириш қашқар рубобида рез усулида ёки торни майин, юмшоқ зарб билан уриш усулида амалга оширилади.

Ўкувчига шу жумланинг ёки легато қўйилган қисмнинг мазмунини очиб бериш муҳимдир. Буни идрок эта олган ўкувчи зарб билан уриб чалинадиган товушларнинг ҳам бир-бирига уланиб эшитилишига эриша олади.

### 36-мисол

#### Баҳор вальси

*M.Мирзаев*

#### Енгил, вальс суръатида



### 37-мисол

#### Мелодия

*П.Чайковский*

#### Уртача тез



Стаккато (ит. «staccato» – «узиб-узиб»)<sup>11</sup> – энг характерли усуллардан биридир. Бу бир қарашда жуда оддий бўлиб кўринади. У торни мизроб билан кескин уриб, чап қўл бармоқлари ёрдамида тордаги овозни кескин ўчириш орқали амалга оширилади. Лекин **ff** чалганда ҳам **pp** чалганда ҳам стаккато усули қўлланилади. Бундай ҳолда ҳам товушнинг қисқа, аниқ ва шиддатли бўлишини сеза билиш муҳимдир, яъни **ff** чалганда мизробнинг ўртаси билан қаттиқ чалинса, **pp** да эса мизроб уни билан нисбатан паст овозда кескин уриб бунга эришиш мумкин. Ўнг қўл ҳаракат амплитудасининг қисқа бўлиши товуш кескинлигини таъминлаб беради.


<sup>11</sup> Ю.Евдокимов, И.Ахмедов. Русча-ўзбекча қисқача музика терминлар луғати. Т., «Ўқитувчи» - 1970.

38-мисол

**Кичик серенада**

*B. Моцарт*

Тез, енгил




39-мисол

**Мирзадавлат**

Узбек халқ қуи

Тезроқ



Келтирилган мисоллардаги «стаккато» штрихлари ҳар қайси куйда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, созанда бу штрихни ижро этишда асарнинг характеридан келиб чиқиши лозим.

Юқорида биз ижро штрихлари ҳамда мусиқий штрихларни ва уларни ижро этиш усусларини кўриб чиқдик. Таъкидлаб ўтганимиздек бу штрихлар ҳар бир асарда ўзига хос характерга

иа бўлиб, ўша асарнинг мазмун – моҳиятини очиб беришга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда муайян асар ижросида эса хилма-хил штрихлар йифиндисини кузати-шимиз мумкин. Бадий ижрода штрихларнинг айнан хилма-хил алмашинуви ижроидан билим ва маҳорат талаб этади. Штрихларни ижро этишда мусиқанинг турли характерда кескин ўзгариш ҳолатларида ва умуман маълум мусиқий жумлани тўлиқ очиб беришда ҳар бир штрихни ўз вақтида, тўлақонли ижро этиш асосий шартлардан биридир.

## ҚАШҚАР РУБОБИДА ПОЗИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Позиция – (лотинча «position» - вазият) – Чолгуларда ижро этишда қўл вазияти<sup>12</sup>.

Қашқар рубобидаги позиция бошқа торли мизробли чолгулардаги каби чап қўл кўрсаткич бармогининг юқори ҳарракка нисбатан жойлашишига қараб белигиланади. Қашқар рубобда позицияларнинг ҳажми биринчи ва тўртинчи бармоқ ўртасидаги масофа билан белгиланади.

40-мисол.



Юқорида кўриниб турганидек бу масофа асосан кичик ва катта терция интервалини ташкил қиласди. Агар қашқар рубобда биринчи торнинг 2-пардаси СИ – нотасига 1 бармоқ, ДО нотасига 2-бармоқ ва РЕ – нотасига 4 бармоқ қўйилса, бу бармоқларнинг 1-позицияда турганлигини билдиради.

Қўйидаги жадвалда қашқар рубоб позициялари ва уларда бармоқлар жойлашишини кўришимиз мумкин.

<sup>12</sup> И.Акбаров «Мусиқа лугати». Тошкент, 1987.

Демак, қашқар рубобида ҳаммаси бўлиб, асосан 12 та, қайта ишланган рубобларда эса 14 тагача позициялар мавжуд. Асосий товушқаторнинг алтерация белгиси билан ўзгариши позицияни ўзгартирмайди, лекин бармоқларнинг жойлашиш тартиби, яъни аппликатура ўзгаради. Позицияларни ўрганиш ижроининг юксак техник имкониятларига эришишида ва нота ўқиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Чунки, мураккаб техник асарларни ижро этишда чап қўлнинг яхши ривожланганлиги, дастани ва ундаги пардаларни яхши ҳис қилиши муҳим роль ўйнайди.


Ўқитишининг дастлабки давриданоқ бунга аҳамият бериш керак. Қўп ҳолларда ўқувчининг ижро кўнгилмаларини маълум даражада эгаллаган бўлишига қарамай, 2- ва 3- торлардаги пардаларни яхши билмаслиги ва шу торларда ижро этиладиган асарларда жиддий камчиликларга дуч келишини кўрамиз. Бундай камчиликларни бартараф қилиш учун дастлабки даврлардан уч торда ижро этиладиган бир ёки икки оқтавали гаммаларни ўргатиб бориш яхши самара беради. Позицияни ва позициялар алмашинувини яхши ўзлаштириш ўқувчига

кatta диапазонли мураккаб асарларни ва ундағи тез суръатлы пассажларни ва чап құл бармоқларининг катта интервалларга сакраши учун қурайлик яратиш билан бирга, унға нотага қараб чалишда қурай ижро усулларини мустақил равищда танлай олиш имкониятими беради.

Табиийки, чап құлнинг даста бүйлаб ҳаракати натижасыда позициялар алмашинуви юзага келади. Лекин, шунга қарамай қашқар ва афғон рубобларида позициянинг аҳамияти скрипка, ғижжак ёки рубоб примага үхшащ чолгулардагидек әмас. Бунга сабаб, айниңса қашқар рубобда торларнинг ҳар хил, яъни металл ва ичакдан бұлғанлиги, торларнинг утталиги ва уларнинг квартал-квинта интервалларыда созланишидір. Шунинг учун позициялар алмашинувига албатта асарларнинг (куйнинг) тұлақонлы чиқишига, мусиқий фикрнинг булиниб қолмасдан яхлит шаклда бўлиши ва бадиий қимматининг йўқолмаслигига асосланган ҳолда ёндошиш керак.

Қашқар рубобда позициянинг юқорилаб борувчи ва пастлаб борувчи алмашиш тури мавжуд. Энди айрим мисолларда позиция алмашинувининг ҳар иккى турига бир хилда тегишли бўлган айрим алмаштириш усулларини кўриб чиқамиз.

#### 41-мисол




#### 42-мисол

#### Ҳаракатда баракат

Тез

Н.Норхужаев



Қуриниб турғанидек бу мисолларда бармоқлар позицияларда кетма-кет алмашибіледі. Хроматик пассажларда позициянинг шу хилда алмашиши ҳаммага маълум. Бироқ худди шундай бұлакларни чалғанда ўқувчиларнинг чап ва ўнг құл ҳаракатларининг бир-бирига мос келмаслиги, товушларнинг иниқ чиқмаслигига сабаб бўлади. Асосан чап құл бармоқларининг ишончли ҳаракат қилиши мұхимдір.


Бир бармоқнинг сирғалиб бошқа позицияга ўтиши ва яна шу бармоқ билан торни босиш усули.

#### 43-мисол

#### Рақс

F. Қодиров

Енгил, қувноқ




#### 44-мисол

#### Концерт

О.Абдуллаева

Тез



Бундай усул күпроқ пастлаб борувчи позиция алмашибуда ва каттароқ интервалли бұлакларда сакрашдан кейин күйиладиган позицияда айнан шу бармоқ билан бошлаб кейинги пардаларга қурай аппликатурада бармоқ қўйиш мумкин бўлган ҳолатларда ишлатиласи.


Катта интервалларга сакрашда дастлабки нотани бир бармоқ билан, навбатдагисини эса бошқа бармоқ билан позиция алмаштириш усули:

45-мисол

**Каприс № 24**

*H.Паганини*

Тез



46-мисол

**Концерт**

*O.Абдуллаева*


Тез



Бунда сакралган нотага тушадиган бармоқ ҳам ундан кейин давом этадиган пардага қулайлик мақсадида танланиши керак. Худди шундай ҳолатларда сакралган нотага қўйилган бармоқ кўпинча кучлироқ босадиган биринчи бармоқ билан ёки ўқувчига фақат сакрашга қулай бўлган бармоқ билан чалинади. Айнан шундан кейинги бўлакларда ноаниқликлар, сифатсиз товушлар кузатилади. Шунинг учун ўқувчи асарни таҳлил қилишни бошланишидаёқ бундай жойларнинг бармоқлар жойлашишига қатъий риоя қилиши керак.

Яна бир пардани ўзида позиция алмаштириш усули ҳам мавжуд бўлиб, у асосан триолли штрихларда чалинадиган асарларда ва секин суръатли, майин асарларда иккита бир хил ноталарни икки хил жумлага (ёки группировкага) тегишли ҳолатларда ишлатилиши мумкин.

47-мисол



Булардан ташқари очиқ торлар ва паузалар ёрдамида позиция алмаштириш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларни ҳам мақсадга мувофиқ равишда қўллаш мумкин.

## АППЛИКАТУРА ВА УНИНГ ҚҰЛЛАНИШИ

Аппликатура – (немисча – «applicatur», лотинча – «applico» – құймоқ, босмоқ) - Бирор мусиқа чолғуларини ижро қылганда бармоқтарни тұғри қўишиш ва алмаштириш тартиби.<sup>13</sup>

Қашқар рубоб ижрочилигіда ҳам аппликатура мұхим үрин тутади. Чунки қашқар рубоб товушқаторининг бир неча позицияларга бұлинғанлығы асарни ҳар - хил аппликатурада қалиш имконияттнин беради. Лекин ижрочиликда асосий мезон – асарнинг бадий қымматли ижроси булиб қолаверади. Шунинг учун аппликатураны танлашда шу нұқтаи назардан ёндошиш мақсада мұвоғиқдір.


Қулай аппликатураны танлаш үқувчига асарни ёдлаш ва үзлаштириш жараёнида айниқса мұхим. Чунки айнан аппликатураның қулайлығы асарни эслаб қолиш жараёнини, ҳамда тез суръатли пассажлар ижросини енгиллаштирибінә қолмасдан концерт ва имтиҳонларда адашиб қолиш ёки эсдан чиқарып қўишиш каби ҳолатларнинг ҳам олдини олади. Тажрибада күп учрайдиган камчиликлардан бири, үқитишининг бошланғич даврида бунга яхши эътибор бермас-лиkdir. Ўрта махсус үқув юртларига келген үқувчилар маытум даражада мусиқа маылумотига эга булиб, айрим ижро күнік-маларини үзлаштирган булишади. Лекин, айнан шу даврда үқувчиларнинг чап құл бармоқтарининг яхши ривожланмағанлығы, аппликатура талабарини бажара олмасликтар каби жуда жиддий камчиликлар күзгә ташланади ва күп ҳаракатлар, машқлар натижасыда бу камчиликлар тұғриланади. Бундан шундай хулоса қилишимиз мүмкінки, аппликатура яъни

бармоқларнинг пардаларда жойлашиши күр-күрона бүлмасдан, аниқ бир мақсадға йұналтирилған булиши керак. Бунинг учун үқитувчи қашқар рубоб аппликатура асосларини билиши, хилма-хил ифода ва техник имконияттарни доимо ривожлантириб бориши, шунингдек үқитувчилик фаолиятига тоимо ижодий ёндошиши керак.

Янги нотаниш асар олинғанда уни чуқур таҳлил қилиб чиқиб әнг құлай, ҳар томонлама талабға жавоб берадиган ва шу билан бирга ҳар бир үқувчининг индивидуал имкониятларини ҳисобға олған ҳолда аппликатураны танлаш керак. Бу албатта үқувчининг ижро техникаси ошишида, өзіндең қызығындағы техник ва колоритик имконияттнин тұлароқ очиб беришда, мусиқий асарнинг ифодали ижро этишда зарур воситалардан биридір.

Үқув жараёнида аппликатура танлашда чап ёки үнг құлнинг маылум камчилигини тузатыш мақсадида құлай аппликатурадан воз кечиши ҳолатлари мавжуд. Масалан 4-бармоқнинг (ёки бармоқлардан бирининг) яхши ҳаракатланмаслиги ёки парданы яхши боса олмаслиқ каби камчиликлар мавжуд бұлғанида мақсаддага мұвоғиқ тарзда ишлатыладын аппликатураны құлланып лозим.

48-мисол



49-мисол

<sup>13</sup> И.Акбаров «Мусиқа луфати». Тошкент 1987.

Бу усул бармоқларнинг қамров доирасини кенгайтириш мақсадида қўлланилиши мумкин. Бу албатта, катта интервалларга сакраш пайтида бармоқларнинг жуда аниқ ва тез харакатланишига олиб келади.

Маълум мусиқий бўлакни бир торда қулай аппликатура билан чалиш имконияти мавжуд бўлган бир пайтда айнан шу бўлакни ҳар-хил тордаги аппликатура билан чалиш усули:

50-мисол

### Бахчакюрд

*A. Герай*

Тез

51-мисол

Бу усулда чап қўл бармоқларининг ҳар хил торлардаги ҳаракати ва ўқувчининг бошқа торлардаги пардалар жойлашишини яхши ўзлаштириб олиши билан бирга ўнг қўлнинг тордан торга ўтишда товуш чиқаришнинг сифатини ошириш учун фойдаланиш мумкин.

Маълумки, ҳамма ўқувчилар ҳам бундай кўникумаларни мустақил ўзлаштириб ёки камчиликларни машқлар ёрдамида бартараф қила олмайдилар. ўқитишнинг қутий босқичларидан

аппликатурага бундай ёндашиш доимий дарс жараёнида яхши ўзлаштирилади ва ўзининг яхши самарасини беради.

Анъанавий ижрочиликдаги аппликатура ўзига хос бўлиб, ўқувчининг муайян асарни ўзлаштиришда асосий омилларданdir. Яъни, танланадиган аппликатура ноталарни биринкетин босишида қулай бўлиши учун эмас, балки анъанавий ижрочиликка, ёки айнан шу асарга хос бўлган мусиқий бесзакларни (нола ва қочиримларни) ижро этиш имкониятларидан келиб чиқсан бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кўп ҳолларда аппликатурага яхши аҳамият бермаслик ва бармоқларнинг тартибсиз кўйилиши натижасида чап қўлнинг умуман нотўғри шаклланиб қолиши, бармоқларнинг пардалардан узоқда бўлиши ёки пастга тушиб кетиши, уларнинг дастада рубобнинг косаси томонга қия ҳолатда босилиши ўрнига дастага тик, яъни, перпендикуляр ҳолатда босилиши каби, кейинчалик тузатиш қийин бўладиган камчиликларга олиб келади. Бу эса ўқувчининг яхши ижрочи бўлиб етишишига тўсқинлик қиласи.

## ГАММАЛАР ВА МАШҚЛАР. УЛАРНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Маълумки, мусиқий педагогиканинг чолғу ижрочилик йўналишида гамма, учтовушлик ва машқлар ўқув жараёнининг ажralмас қисмидир. Уларни ўрганиш ва чалиш ўқув даврининг ҳамма босқичларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ундан турли босқичларда турли мақсадларда фойдаланилади.

Доимий равишда ўз устида ишламайдиган созанданинг ижрочилик фаолияти тез тугаб қолиши мумкин. Чунки бу фаолият ижодий фаолият. Ижодий фаолият эса доимий изланишни, ижрочилик маҳорати устида мунтазам шуғулланишни талаб қиласди. Шунинг учун ўз-ўзидан, нафақат ўқув жараёнида, балки ижрочилик фаолиятининг охиригача гамма, учтовушлик ва машқларниң аҳамияти бирдай сақланиб қолаверади. Машхур созандаларниң фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бунинг исботини яққол кўришимиз мумкин.

Композитор ва ўз даврининг етук созандаси машхур пианиночи С.Рахманинов «Бир кун чалмасам ўзим биламан, икки кун чалмасам дўстларим билади, уч кун чалмасам тингловчилар билади» деганида, машқ қилиш, шуғулланинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлаган эди.

Гамма ва арпеджиолар устида ишлаш жараёни фақат ўқувчининг техник имкониятларинигина ривожлантириш бўлиб қолмасдан, балки шу гаммалар ёрдамида ижронинг бадиий ифодалилик кўнилмаларини тарбияловчи воситалардан бири бўлиши лозим.

Энди қашқар рубобида чалинадиган гаммаларни қашқар рубоби созланиши ва имкониятларига асосланган ҳолда таснифлаб кўриб чиқамиз.


Уларни 6 турга бўлишимиз мумкин:

1. Бир торда очиқ тор қўлланилиб, чалинадиган бир оқтавали гаммалар;
2. Икки торда очиқ торлар қўлланилиб ҳар-хил позицияда чалинадиган бир оқтавали гаммалар;
3. Уч торда очиқ торлар қўлланилиб чалинадиган бир оқтавали гаммалар;
4. Уч торда бир позицияда чалинадиган бир оқтавали гаммалар;
5. Уч торда позициялар алмаштириб чалинадиган икки оқтавали гаммалар;
6. Хроматик гаммалар;


1) Бир торда очиқ тор қўлланилиб чалинадиган бир оқтавали гаммалар:

1-торда

Ля-мажор



ля-минор табиий



Гармоник



Мелодик



2-торда

Ми-мажор

0 1 3 1 3 1 3 4



ми-минор

0 1 2 1 3 1 2 4




Гармоник

0 1 2 1 3 1 3 4



Мелодик

0 1 2 1 3 1 3 4 2 1



3-торда

Си-мажор

0 1 3 1 3 1 3 4



си-минор табий

0 1 2 1 3 1 2 4



Гармоник

0 1 2 1 3 1 3 4



Мелодик

0 1 2 1 3 1 3 4 2 1




Бу гаммалар орқали ўқувчи торларда товушлар жойлашиши ва позиция алмашинувининг турли усуллари билан танишади.

2) Икки торда очиқ торлар қўлланилиб, ҳар-хил позицияда налинидиган бир октавали гаммалар:


Ми мажор

0 1 3 0 1 3 1 2



Ми минор табий

0 1 3 0 1 2 1 3




Фа мажор

1 3 0 1 2 1 3 4



До мажор

1 3 0 1 2 0 1 2




Си мажор

0 1 3 0 1 1 3 4



Си минор

0 1 2 0 1 2 1 3



3) Уч торда очиқ торлар құлланилиб чалинадиган бир оқтавали гаммалар:

#### До мажор

#### Ре мажор

#### Си мажор

4) Уч торда бир позицияда чалинадиган бир оқтавали гаммалар<sup>14</sup>.

а) 1-бармоқ билан бошланадиган гаммалар

#### До мажор

#### До минор табиий

<sup>14</sup> Эслатма: Уч торда бир позицияда 1- ва 2- бармоқ билан чалинадиган гаммаларда рубобнинг учинчи тори СИ нотасига созланади.

#### Гармоник

#### Мелодик

#### Ре мажор

#### Ре минор табиий

#### Гармоник

#### Мелодик

б) 2-бармоқ билан бошланадиган гаммалар<sup>15</sup>

#### Соль мажор

<sup>15</sup> Уч торда бир позицияда 1-, 2-бармоқ билан бошланадиган гаммалар аппликатураси бир хил.

Фа мажор



Соль минор гармоник

2 1 2 3 1 2 4 1 3 4 3 1 4 2 1 4 2  
 III - сим II - сим I - сим

Мелодик

2 1 2 4 1 2 4 1 3 4 2 1 4 2 1 4 2 1 4 4  
 III - сим II - сим I - сим

Фа минор гармоник

Мелодик

2 1 2 4 1 2 4 1 3 4 2 1 4 2 1 4 2 1 4 4  
 III - сим II - сим I - сим

5) Уч торда позициялар алмаштириб чалинадиган икки октавали гаммалар<sup>16</sup>

a) 1-бармоқ билан бошланадиган гаммалар

Ми бемоль мажор

1 2 4 1 2 1 3 4 1 3 4 1 2 3 4 3 2 1 4 3 1 2 1 4 2 1  
 I - сим II - сим I - сим II - сим III - сим  
 1 4 2 2 1 2 4 1 1 2 2 4 1 4  
 III - сим II - сим I - сим II - сим III - сим

<sup>16</sup> Эслатма: Уч торда позициялар алмаштирилиб 1- ва 2- бармоқ билан чалинадиган икки октавали гамма ва арпеджиоларда хам бир хил аппликатура күлланилади.



Ми минор гармоник

1 3 4 1 3 4 1 2 4 1 2 4 1 3 4  
 III - сим II - сим I - сим II - сим I - сим

1 4 1 2 1 4 1 1 2 1 4 1 1 4 1 4 1  
 III - сим II - сим

4 1 4 1 1 1 2 1 4 1 1 4 1 4 1  
 I - сим II - сим

Мелодик

1 3 4 1 2 4 1 2 4 1 2 4 1 3 4 2 1 4 2 1  
 III - сим II - сим I - сим II - сим III - сим


1 4 1 2 1 4 1 1 2 1 4 1 1 4 1 4 1  
 III - сим II - сим I - сим II - сим III - сим II - сим I - сим

II - сим

б) 2-бармоқ билан бошланадиган гаммалар

Ми мажор

2 1 2 4 1 2 4 1 3 4 1 3 4 1 2 3 4 3 2 1 4 3 1 4 3 1 4 2 1 2  
 III - сим II - сим I - сим II - сим III - сим



Ре минор гармоник

2 1 2 4 1 3 1 3    1 2 4    3 4 3 1 4 2 1 4 2    1 2 1 2 1 4 2 1 2  
 III - сим    II - сим    I - сим    II - сим    III - сим

Мелодик

2 1 2 4 1 2 4 1    3 4 1 2 4 1 2 3 4 3 2 1 4 2 1 4    2 1 4 2 1 4 2 1 2  
 III - сим    II - сим    I - сим    II - сим    III - сим

Қашқар рубобида пардалар оралиғи юқори позицияларда нисбатан тор жойлашған бўлиб, бу позицияларда ижро этганда чап қўл бармоқлари терция қамровидан четга чиқиб, бармоқлар қамрови квартага етади. Бармоқларнинг бундай жойлашуви уларнинг мустҳкамлигини янада оширади.

6) Хроматик гаммалар:

Си мажор бир октаавали

1 2 3 4    1 2 3 4

Ре мажор икки октаавали

2 1 2 4 1 2 4 1    3 4 1 2 4 1 2 3 4 3 2 1 4 2 1 4    2 1 4 2 1 4 2 1 2  
 III - сим    II - сим    I - сим    II - сим    III - сим

Мисол: 52

### Қиличбозлар рақси

*A.Хачатурян*

Тез

1 1 2 3    4 3 2    1 4 3 2 1    2 1 3 2 1 3 2 1  
 p

Малумки, композиторлар ижодида хроматик пассажлар кўплаб учраб туради. Қашқар рубобида хроматик гаммалар асосан зич, жипслашған, изчилик билан юқорилаб ёки пастлаб борувчи аппликатура қўлланиши билан ажралиб туради. Бу гаммалар бармоқларнинг бир-бири билан чаққон ўрин алмашувини ва уларнинг пардаларидаги аниқлигини ривожлантиради. Қўриниб турганидек хроматик гаммаларни қашқар рубобида барча торларда чалиш мумкин.

Гамма ва машқлар дастлабки босқичларда рубобни тўғри ушлаш ва овоз чиқариш, оддий штрихларни ўзлаштириш ва

чап құлни даста бүйлаб ҳаракатлантириш каби енгил малакаларни үрганишда ёрдам беради.

Кейинги босқычларда эса товуш чиқариш техникаси, мұраккаб пассажлар ва штрихларни үзлаштиришда мұхим восита булиб хизмат қиласы. Гаммалар ва машқлар устида ишлаш үқувчининг тайёргарлиги ва унинг олдига күйилған вазифадан келиб чиққан булиши керак. Бирон-бир күникмани үзлаштиришда машқларни секин суръатда чалиб үрганиш ва кейин тез суръатта ұтган маңызды. Масалан, маълум бир штрих устида ишлаганды шу штрихни қайсы гамма ёки машқ воситасида ва қандай ижро услубидан фойдаланиб үзлаштириш мүмкінлегини аниқладаб, кейин уни амалта ошириш керак. Бинобарин бармоқтарнинг тордан-торга үтиш тезлиги ва катта интервалларга аниқ сақраш күникмаларини үзлаштиришда учтовушликтар ва уларнинг айланмалари ҳамда шу асосдаги машқларни ҳар-хил штрихлар ва ҳар-хил суръатларда чалиш мүмкін.

Ҳар қандай машқ ёки гамма аниқ мақсадға йұналтирилған булиши керак. Акс ҳолда үқувчи қанча күп шуғулланмасын кераклы натижага эриша олмайды. Тажрибада бундай ҳоллар жуда күп учрайди. Шунинг учун үқитувчи, үқувчига мақсадни аниқ түшунтира билиши керак. Айрим үқитувчилар үқувчилар билан ишлашда күпинча фақат асар устида ишлаб ёки айнан үша асарнинг қийин бұлған қисмими қайта-қайта chaldiradilar, лекин күтилған натижага эриша олмайдилар. Бундай пайтда албатта камчиликлар сабабини аниқлаш керак. Камчиликни бартараф қилиш учун аниқ мақсадға йұналтирилған машқ ва гаммалардан фойдаланиш яхши натижә беради.

Тажрибали үқитувчилар янги асарни таҳлил қилаётгандарыда ёк үқувчига асарни назарий жиҳатдан түлиқ түшунтириб, үқувчининг олдига аниқ вазифа құядылар ва кераклы құрсатмалар берадылар, асосий әзтибор бериладынан жиҳатларини түшунтириб, қандай машқлар чалиш кераклитетини аниқтайдилар. Агар үқувчи унга берилтән вазифаны ва пировард натижани түлиқ тасаввур қила олса дарс пайтида ҳамда мустақил ишлаш жараёнида аниқ бир мақсадға йұналтирилған машқлар ёрдамида күзлаган мақсадға эриша олади.

Машғулоттарда үқувчига унинг хатоларини аниқ түшунтириб құрсатыб бериш, хатоларни тез бартараф қилишда жуда

катта ақамиятта эга. Бирон бир күникмани үзлаштиришда машқ ёки гаммаларни маълум вақт мобайнида иккى үқувчига бир вақтда, ёки үқитувчи билан үқувчининг бир вақтда чалиш тажрибасининг яхши самара бериши аниқланған. Айниқса үқитишининг дастлабки даврларида үқувчи мустақил равища узокроқ вақт бирон-бир гамма ёки машқни чала олмайды. Бунга унинг сабри ва чидамлилиги етишмайды. Агар юқоридаги усульдан фойдаланылса, үқувчига бириңчидан қизиқарлы бұлади, кучини максимал сарфлаб шуғулланиш қобиляти шаклланади, иккінчидан эса үқитувчи унинг хатоларини бир вақтда дархол түғрилаш имконияттың әга булади. Гамма ва машқларни бир неча үқувчи бир хил штрих, динамика ёки суръатларда чалиш усулида үқувчининг фақаттана техник камчиликлари бартараф қилинмасдан, балки унинг ритмни сезиши, ансамбль ижрошлигі күникмалары ва әшитиш қобиляти ҳам ривожланади.

Машқ, гамма ва учтовушликтарни чалиш үқувчи учун үқитувчи томониданғина буюрилиб ва үқувчи мажбурий бажарадынан машғулот булиб қолмаслығига әзтибор бериш керак. Үқувчига бунинг қанчалик ақамияттың эканлегини бутун үқув даври мобайнида, амалий машғулоттарда узлуксиз равища сингдириб бориш керак-ки, токи үқувчи учун бу машғулоттарнинг зарурийлігін түшуниб етсін.

Маълумки, үқув даврлари орасыда маълум вақтларда ҳар-хил тағтиллар мавжуд. Бу тағтилларда ҳамма үқувчилар ҳам үз устида бир хил мустақил шуғулланмайдылар. Шунға үхшаш ҳар хил танаффуслардан кейин ҳар қандай созанданинг техник имкониятлари бир оз пасаяди. Агар үқувчидан гамма, учтовушлик ва машқларни чалиш онгли равища зарурат даражасына айланса, бу унга келажақда ижрошлик формасини шакллантириб, уни сақтай олиш имкониятты беради. Шунинг учун ҳам ижрошлик фаолияттың гамма, учтовушлик ва машқларнинг ақамияттың бекітесдір.

## МУСИҚИЙ БЕЗАКЛАР ВА УЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Ҳар бир халқнинг мусиқаси ҳамда композиторлар яратған асарлар бой мусиқий безакларга эга. Мусиқий безакларсиз мусиқа ўзининг тұлиқ мазмун моҳиятiga эга бўлмайди. Мусиқий безаклар куйни ҳар томонлама бойитибина қолмасдан, унинг характеристерини очиб беришда жуда катта роль ўйнайди. Мусиқий безаклар ҳар-хил мелизмлар ва қочирилмлардан иборат.

Мелизмлар «грель», «форшлаг», «мордент» ва «группетто» деб номланади ва деярли барча халқлар куй ва құшиқларида ҳамда композиторлар ижодида жуда кенг қулланилади. Шашмақом асарлари ва мумтоз ўзбек күйларида учрайдиган безаклар мелизмлар деб аталиши билан бирга «қочирим», «нола» деб ҳам юритилади. Қочирим, нола миллий мусиқий безакларнинг барчасини ўз ичига олади: «бидратма», «сайқаллар», «тұлқынлантириш», «нахшлаг», «кашиш», «молиш» шулар жумласидан бўлиб, улар миллий мусиқамизни ҳаққоний жаранглашига ва куй оҳанглари жозибасини тұлиқ очиб беришга ёрдам беради.

Ўзбекистон консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси профессор-ўқитувчиларининг илмий-педагогик изланишлари натижасида шашмақом асарлари намуналарининг қашқар рубобидаги ижрочилиги борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кўплаб куй ва ашуалар қашқар рубоби ижроси учун мослаштирилиб ундаги безаклар аниқ қилиб белгиланиши, чолғу ижрочилиги педагогикасида яхши натижаларга эришишда асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Энди мелизм ва қочирилмларни ҳар бирини алоҳида шу билан бирга улар ўртасидаги фарқли ва ўхшашлик томонла-рини солишиши мақсадида ёнма-ён мисолларда кўриб чиқамиз.

Улардан форшлаг (нем. «vorschlag» - «олдиндан», «босим олдидан уриш»)<sup>17</sup> – асосий нота олдига кичик ноталар билан ёзилиб, битталик форшлаг ва құш форшлаг турларига бўлинади. Битталик форшлаг («қисқа форшлаг» деб ҳам юритилади) юқорига қисқа зарб билан асосий нота чўзими ҳисобига чалинади. Битталик форшлаг анъанавий ижрочиликда «зарби паррон», яъни «учма зарб»<sup>18</sup> деб ҳам юритилади ва композиторлар ижодида ҳам анъанавий ижрочиликда ҳам жуда кўп қулланилади.

53-мисол

Рақс

Г.Артемовский

Ўртача тез



54-мисол

Шахло

Р.Турсунов

Шошилмасдан



<sup>17</sup> И.Акбаров «Музика лугати» F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1987.


<sup>18</sup> С.Тахалов «Афғон рубобини чалишга ўргатиши методикаси асослари». Т., Ўқитувчи, 1983.

55-мисол

**Саёхатнома**

*M. Бафоев*

Тез, жадал



Юқоридаги мисолларда келтирилган форшлагларни чалганда ўқувчилар кўпинча форшлаг чўзимининг қисқалигини дастлаб ҳис эта олмайдилар. Бунда ўқувчининг асосий эътиборини аввало ўнг кўлнинг ҳаракат амплитудаси қисқа бўлишига ва форшлагнинг асосий нотага нисбатан баланд ёки кўпол чиқиб қолмаслигига қаратиш лозим.


«Кўш форшлаг» асосий нота олдига икки кичик ноталар билан ёзилади ва пастга тепага бериладиган зарб билан қисқа ижро этилади.

56-мисол

**Анитра рақси**

*Э. Григ*

Енгил



57-мисол

**Фантазия № 2**

*У.Хожибеков*

Үртacha тез



Амалиётда форшлаглар ҳар-хил суръатли асарларда кўп учрайди, шунинг учун унинг узун-қисқалиги ва қайси товуш ҳисобига чалиниши, баъзан асар характеристидан келиб чиқади. Яъни айрим каденцияларда, ёки эркин ижро этиш мумкин бўлган бўлакларда, мусиқани ифодали ижрога эришиш мақсадида форшлаглар бирмунча кенгроқ чалинадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Худди шундай форшлаглар тремоло усули билан ҳам ижро этилади.

«Нахшлаг» — (нем. «Nachschlag» — олдинги нота чўзими ҳисобига чалинадиган безак тури)<sup>19</sup> қашқар рубобида ва кўпгина мизробли чолғуларда кенг қўлланиладиган мусиқий безаклардан бири. Асосий товушдан кейин ёзиладиган кичик ноталар билан белгиланади.

Форшлаглар асосий товушдан олдин ҳар бир товушни мизроб билан уриб ижро этилса, нахшлаг асосий товушни мизроб билан уриб ундан кейинги товушларни асосий товуш садоси остида ижро этиш билан фарқланади. Бу кўникмани узлаштириш ҳам мураккаб ижро усулларидан ҳисобланиб, асосан чап қўл бармоқларининг торларни яхши ҳис қилиши ва ҳаракатларини назорат қила олиш мұхимдир.

Навбатдаги безак — «мордент» (ит. «mordente» — «үткир», «учи үткир»)<sup>20</sup> асосий товушни бир тон ёки ярим тон юқоридаги ёки пастдаги товуш билан ижро этилади. У кўйилган товуш чўзими ҳисобига ижро этилади. Мордентнинг ҳам бир неча турлари мавжуд.

1. Оддий мордент

58-мисол


<sup>19</sup> Крунтяева Т.С, Молокова Н.В. «Словарь иностранных музыкальных терминов». Л. «Музыка». 1987.

<sup>20</sup> И.Акбаров. «Музика лутати» F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1987.




2. Чизиқчали мордент

59-мисол



3. Күшалоқ мордент

60-мисол



4. Чизиқчали қүшалоқ мордент

61-мисол



Мордентларни ижро этганда товушларнинг текис эшитилишига эътибор бериш керак. Чунки тез суръатли асарларда пастга-юқорига бериладиган зарбларнинг аниқ чиқмаслиги натижасида мордентлар ноаниқ ижро этилади. Бундан ташқари мордентлар жуда енгил характерга эга. Айнан шу енгиллик билангина, у мусиқани безайди. Бунинг учун ўқувчи билан шу асарни мусиқий таҳлил қилиш (айниқса

Европа классиклари асарларини) асарнинг характерини очиб беришда, ҳар бир элементнинг аҳамиятини тушуниб этишга, хусусан мордентни керакли даражада ижро этишга олиб келади.

«Сайқал»<sup>21</sup> - қашқар рубобида анъанавий ижрочиликда жуда кенг қулланиладиган безак турларидан бири. У мордент белгисининг устига + белгиси қўйиб ифодаланади. Унинг 4 тури мавжуд. Мордент билан сайқалнинг асосий фарқи, агар мордентнинг барча товушлари мизроб билан урилиб ижро этилса, сайқал фақат бир зарб билан уриб, қолганлари эса шу зарб садоси остида чап қўл билан торни босиш йўли билан амалга оширилади. Сайқални ижро этишнинг асосий хусусияти зарб берилган товушнинг садосини учирив қўймасликдан иборатдир. Бунда зарб берилган пардани босиб турган биринчи ёки иккинчи бармоқ пардадан кўтарилилмасдан ўзига хос глиссандолаш орқали оҳангни узилмаслигига ва кейинги товуш оҳангига уланишига олиб келиши керак бўлади.

Кенг тарқалган мелизмлардан бири «трель» – («trillore» – «тирамоқ», «тебранмоқ»)<sup>22</sup> – қарийиб, барча торли ва шуфлама чолгуларда қулланилади.

62-мисол

### Эскэрани

*C.Рустамов*

Тез



Трель қашқар рубобда пастга ва тепага тез суръатдаги тремоло каби тезликда чалинади. Тажрибада ўқувчилар трель чалганда ўнг ва чап қўллар ҳаракатининг бир-бирига мос келмаслиги

<sup>21</sup> Сайқал – халқ амалий санъатида кенг қулланиладиган атамалардан бири. Асарга жило бериш, сайқал бериш маъносида. Мусиқада ҳам шу маънода ишлатилади.

<sup>22</sup> И.Акбаров «Музика лугати». Ф.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1987.


кузатилади. Трелни, айниқса қашқар рубобда яхши ўзлаштириш керак. Сабаби, ҳозирги замон ижрочилик репертуарининг кенгайиши ва замонавий мусиқамизнинг, хусусан замонавий эстрада куй ва қўшиқларининг ривожланиши ҳам миллий чолғуларда ижрочилик санъатининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бундай куй ва қўшиқлар мусиқаларини маълум бир йўналишида жуда енгил ҳаракатлар билан нафис ижро этишни талаб қиласди. Бундай асарларда трель безашнинг бошқа элементлари билан ҳамоҳанг тарзда жуда кенг ишлатилишининг гувоҳи бўламиз.

63-мисол

Кел энди

С.Азизбоев

Тез




64-мисол

Дил сўз

А.Олимов

Тез



Композиторлар ижодига мансуб асарларни ижро этганда трель асосан биринчи ва иккинчи бармоқлар ёрдамида амалга оширилади. Лекин, юқорида келтирилган С.Азизбоевнинг «Кел энди», А.Олимовнинг «Дил сўз» каби ҳозирги замон эстрада куй ва қўшиқлари ижросида эса бошқа бармоқларнинг

ҳам жуда енгил бўлиши талаб қилинади. Бу мисолларда трель қилинадиган товушларга, асосан иккинчи бармоқ қўйилган бўлиб, трель учинчи ва тўртинчи бармоқлар билан амалга оширилади. Бундан ташқари биз ўқувчиларга трелни доимий равишда барча бармоқлар билан машқ сифатида чалишни тавсия қиласмиз. Бундай машқ бармоқларнинг енгил ҳаракатланишига олиб келади.


Трель анъанавий ижрочиликда «бидратма» деб ҳам юритилади. «Бидратма»нинг ўзига хос томони шуки, мизроб билан уриб чалиш билан бирга фақат бир зарб садоси остида ҳам ижро этиш мумкинлигидир. Бунда трель белгиси устига + белгиси қўйилади. Кўпинча ўқувчилар сайқал ва бидратмани ижро этганларида, асосий нота садосини сўндириб қўядилар. Бу кўникмаларни ўзлаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб, мунтазам шуғулланишини ва кўп мусиқа тинглашни талаб этади.

65-мисол



66-мисол

Ўзбек халқ куйи



«Тўлқинлатиш» — вокал ижрочилигига ҳамда барча чолғулардаги каби қашқар рубобда ҳам кенг қўлланиладиган усул. У тор устида чап қўл бармоқлари билан торни тўлқинлатиб ижро этилади.

Тўлқинлатиш куйни ифодавийлик хусусиятини оширади, товушларни майин, оҳангдор ва жозибали эшитилишини таъминлайди.

Тўлқинлатиш композиторлар ижодидаги асарларда, шашмақом асарларида, ҳамда эстрада куй ва қўшиқларида кенг қўлланилади, лекин композиторлар асарида бу махсус белги билан белгиланмайди. Созанда асарни пухта ўзлаштиргач, уни


ҳар қандай катта чўзимли тримололарда ёки мусиқий жумлаларда эмас, балки мантиқий фикрдан келиб чиқсан ҳоддагина қўллаши керак бўлади. Бу борада албатта тажрибали ўқитувчи – созандалар тажрибасига таяниш мақсалга мувофиқдир. Тўлқинлатиш анъанавий ижрочиликла, шартли равишда нота устига тўлқинсимон чизиқ билан белгиланади.

67-мисол

**Тонг**

Шошилмасдан

*A.Исмоилов*




68-мисол

**Эшвой**

Узбек халқ. куйи

Вазмин



Композиторлар асарларида «глиссандо» номланишдаги мелизм қўлланилади. «Глиссандо» (ит. «glissando» – «сирғанма»)<sup>23</sup> – бир товушдан иккинчи товушга сирғалиб ўтиш. Кўпгина чолгуларда бўлгани каби қашқар рубоби ижрочилигига ҳам глиссандо қўлланилади. Қашқар рубобда глиссандо чап қўл бармоғини даста бўйлаб пастга ёки юқорига

<sup>23</sup> Ю.Евдокимов, И.Аҳмедов. Русча-узбекча қисқача музика терминлар луғати. Т., «Ўқитувчи». 1970.

сирғалтириб амалга оширилади. Бу усул барча мизробли чолгуларда ва камонли чолгуларда чап қўл билан сирғалтириб ижро этилади. Катта интерваллар орасидаги глиссандо асосан биринчи бармоқ билан чалинади. Кичикроқ интервалларда бошқа бармоқларда ҳам ижро этиш мумкин. Бунда сирғалаётган бармоқ товушни сўндириб қўймаслиги ва равон ҳаракат билан нота чўзимиға мос вақтда иккинчи нотага етиб келиши керак бўлади.

69-мисол

**Саёҳатнома**

*M. Бафоев*

Тез




70-мисол

**Туш манзаралари**

*D. Сайдаминова*

Шошилмасдан, салобатли



Дилором Сайдаминованинг «Туш манзаралари» асаридан келтирилган парчадаги секунда интервалидаги глиссандолар мизроб билан рез усулида, чап қўл билан эса «кашиш»<sup>24</sup> усулида, яни торни кўтариш йўли билан амалага оширилади.

Қашқар рубобида чап қўл даста бўйлаб сирғалиб глиссандо қўлганда ўнг қўл билан рез қилинади лекин, айрим ҳолларда ўнг қўл билан биринчи товушга зарб берилгач шу товуш садоси остида ҳам глиссандо амалга оширилади. Бу усул шашмақом ва ўзбек халқ мумтоз куйларини ижро этганда кўп қўлланилади. Бунда глиссандо қилиб тушиладиган товуш устига + белгиси қўйиб белгиланади<sup>25</sup> ва бу безак тури «молиши» (форс. «молаш» – «силямоқ») деб аталади.

<sup>24</sup> «Кашиш» кейинги бетга қаранг.


<sup>25</sup> С.М.Тахалов «Афон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари» Т. Ўқитувчи, 1983.

71-мисол

**Нагмаи Орази Наво**

Сокин

Узбек халқ куйи



Созанда бу безакни дастлаб үрганиш жараёнида глиссандолашнинг даврийлигини сеза олмаслиги натижасида унинг сохта ва қуруқ жаранглости кузатилади. Молишни ижро этишни пухта ўзлаштириш учун аввало ўқувчи, шу асарни чуқур англаган бўлиши, куйнинг ҳар бир жумласи ва элементларини ҳис қила олиши муҳимдир.

Бу усуllар ашула йўлларида учрайдиган ва камонли – торли чолгуларда чалинадиган майда, енгил нолаларни қашқар рубобида ижро этиш имкониятини беради.

Мизробли чолгуларда қўулланиладиган безак усуllаридан яна бири бу – кашиш (форс. «кашидан» – «тортмоқ»). Қайд этилган миллий мусиқий безаклар қадимдан хонанда – созандалар томонидан доимий ишлатилиб келинган. Н.Миронов ўзининг «Ўзбеклар мусиқаси» («Музыка узбеков») китобида халқ ҳофизлари томонидан куйланган қўшикларда овоз билан ўзига хос глиссандо қилиб куйланishi ва бу халқ тилида «кашиш» деб аталиши айтиб Fтилади.<sup>26</sup> Бу усуl қашқар рубобда торни бармоқлар билан юқорига кўтариб чалиш усулида амалга оширилади. Бунда бир товушни ўзида бир тонгача пастга ёки юқорига глиссандо қилиб унинг баландлигини ўзгартириш мумкин. Бу тремоло усулида ва якка зарблар усулида ҳам ижро этилади. Юқорига глиссандо қилганда торни юқорига кўтаришни бошлаш билан бир вақтда ўнг қўл билан тор рез ёки якка зарб усулида чалинади. Пастга

<sup>26</sup> Н.Миронов «Музыка узбеков». Ўзбекистон давлат нашриёti. Самарқанд. 1929.

глиссандо қилганда эса тор аввал чап қўл бармоғи билан кўтарилиб тушаётган пайтдан бошлаб мизроб билан чалинади. Бунда кўтарилаётган парда 2- ёки 3- бармоқ билан босилиши, шу пардага ёнма-ён бўлган парда эса 1- бармоқ билан босиб турилиши ва торни кўтарганда 2-, 3- бармоққа ёрдам бериши керак бўлади. Бу усул ниҳоятда мураккаб усуllардан бири бўлиб, кўп машқ қилиш билан бирга кўп эшлиши талаб қиласи. Ўқувчига айнан чалиб курсатиб бериш ёки магнит ёзувларидан кенг фойдаланиш керак бўлади. Айниқса, глиссандони қандай интервалга эга бўлиши фақат ижрочининг эшлиши орқали тартибга солинадиган жараён. Бундан ташқари чап қўл бармоқларининг торни сезиш малакасини ўзлаштириш ҳам асосий омилларидан биридир. Чунки, дастлабки үрганиш даврида бармоқларининг торни сезмаслиги натижасида торлар бармоқлар остидан икки томонга ажралиб чиқиб кетиши ёки торлар бирлашиб қолиб, товушнинг оҳангдорлиги, жаранглийига сабаб бўлади.

Тошкент Давлат Консерваторияси собиқ профессори С.М.Тахалов қочиримларни хусусан «кашиш»ни нотага тушириши борасида таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширганлар. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда ҳам анъанавий ижрочилик амалиётида чолгуларда ўқитиш ва ўргатиш қўпроқ оғзаки анъанада давом этмоқда. Шунинг учун бундай безакларни мукаммал эгаллаш учун ўқитувчи ўқитишнинг дастлабки босқичлариданоқ ўқувчининг эшлиши қобилиятини ривожлантириб бориши керак. Бу ўринда кичик ҳажмли содда ва енгил бўлган халқ куйларини доимий ўкув репертуарига киритиб, мунтазам ва маълум мақсад асосида шуғулланиб бориши ўқитишнинг кейинги босқичларида анъанавий ижрочилик маҳоратини пухта эгаллашга замин бўлади.

Қашқар рубоб аппликатуруси бобида, кўриб чиққанимиздек анъанавий ижрочиликдаги аппликатура ўзига хос. Бу албатта шу куйни тўлақонли ижросини таъминлаш билан бирга юқоридаги безакларни ижро этиш имкониятларидан келиб чиқади. Бу индивидуал характерга эга бўлиб, ўкувчининг ижро имкониятларига ва касбий тайёргарлигига қараб танланиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек миллий мусиқамизнинг мусиқий безаклари, айнан интонацион аҳамиятга ҳам эга

бўлиб уларни дуч келган жойда қўллаш куйнинг лад тузилмасини ўзгартириб юбориши мумкин. Амалиётда ҳамма шашмақом асарлари ва бошқа ўзбек мумтоз куйлари бундай белгилар билан тўлиқ нотага олинмаган. Нотага олинмаган куйларни яъни нота ёзуvida акс эттирилмаган асарларни ўрганишда ва ижро этишда қочиримларни куйни бузмайдиган ёки имкони борича куйни тўлиқроқ очиб берадиган ҳолатда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айрим ўқувчи-созандалар бу безакларни ўзини алоҳида ўзлаштириб оладилар ва кераксиз жойларда қўллайдилар. Бу эса ўқувчининг мукаммал созанда бўлиб этишишида ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

## ИЖРОЧИЛИКНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ УСТИДА ИШЛАШИ

Маълумки, ҳар қандай мусиқа асари бу бадиий асар. Уни бадиий асар даражасида ижро этиш созандадан пухта билим ва юксак маҳорат талаб қиласи ўқитувчи бўлгуси созандани тарбиялар экан унда шу чолғуга нисбатан меҳр уйғота олиши керак. Бунинг учун ўқитишнинг дастлабки даврлариданоқ имкони борича шу чолғуда яхши жаранглайдиган, ўқувчига ёқадиган асарларни ўқув режаси таркибига доимий киритиб бориши лозим. Асарлар устида ишлаганда ўнг қўл билан бериладиган ҳар бир зарб орқали яхши товуш ҳосил қилинишига эътибор бериш керак. Чунки, созанда товушининг кучи ва сифати ижрони бадиий ифодалайдиган асосий мезонлардан биридир. Созанданинг ижро техникаси қанчалик юқори бўлмасин, агар у асарнинг бадиий хусусиятларини очиб бера олмаса тингловчида яхши таассурот қолдира олмайди. Бунинг учун созанда ўз чолғусини яхши билиши ва ижро услубларининг ифодалилик хусусиятларини яхши эгаллаган, уларни керакли даражада қўллай билиш, ҳамда тиник, оҳангдор товушни ҳосил қила олиши ва уни бошқара билиш каби малакаларни тўлиқ ўзлаштирган бўлиши керак.

Бундай малакаларни ўзлаштириш бирмунча мураккаб бўлиб, муайян вакт талаб этади. Тажрибада ижро техникаси юксак даражада, лекин куйни ҳис қила олмайдиган созандалар учраб туради. Чолгу ижрочилиги синфида ўқитувчи ўқувчи билан шуғулланар экан, ҳар бир машғулотда ўқувчининг мусиқани ҳис қила олиш ва уни сезиш каби нозик туйғуларини узлуксиз равищда тарбиялаб бориши керак.

Ўқув даврида маълум ўқув режасидаги куйларни ўрганиш жараёнида ўқувчининг мусиқий онгини ўстириш, хотирасини

ва ритмни ҳис қилиш ҳамда эшитиш қобилиятларини ҳам тарбиялаб, ривожлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи дарс жараёнига ижодий ёндошиб ўқувчиларни синчиклаб кузатиб бориши ва мақсадга эришишнинг ҳар-хил имкониятларини топиши мумкин. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. Ўқувчига бирон-бир асарни ўқитувчининг ўзи ижро этиб бериб, биргаликда таҳлил қилиш ва ўқувчиларга бадий томонларини тушунтириб, аникроқ очиб бериш; асардаги мусиқий жумлаларни образли қиёслаб, уларни ўқувчининг ҳис туйғулари орқали тушунтириб бериш.

2. Магнит тасмаларидаги куй ва қўшиқларни ўқувчилар билан тинглаб, муҳокама қилиш ёки бир асарни қашқар рубобдаги 2-3 хил ижроларини солиштириб, уларнинг фарқларини, камчиликларини ва афзалликларини тушунтириб бериш.

3. Иложи борича дастурдаги асарлар билан бир қаторда ўзбек ҳалқ куйларидан бирон-бир асарни ҳамма ўқувчилар билан нотасиз, оғзаки анъанада ўрганиш ва чалиш.

4. Ўқув муассасаси доирасида ва ундан ташқаридаги концертларда қатнашиш, ҳамда тинглаш. Концертдан кейин албатта ўқитувчи концерт ижрочилигини таҳлил қилиб бериши ва ундаги яхши томонларни ўқувчиларга кўрсатиб бериши ўзининг яхши самарасини беради. Лекин, шунга қарамасдан тажрибали созанда-ўқитувчиларнинг таъкидлашларича ўқувчига тушунтирилаётган мусиқани ўқитувчининг ўзи қандай тушунтирган бўлса шундай ижро этиб кўрсатиб бериши ўқувчининг материални тез ўзлаштиришида энг асосий омилардан биридир.

5. Фақатгина қашқар рубоб асарларини таҳлил қилмасдан, бошқа чолгулардаги ижроларни концертада ёки магнит ёзувларидан эшитиш ва уларни таҳлил қилиш. Худди шу ижродаги асарни қашқар рубоб ижросида эшитиш ва улардаги бадий ифодалилик имкониятларини, воситаларини ва штрихларни солиштириб кўриш ва таҳлил қилиш, кабилардир.


Биз штрихлар бобида ҳар бир штрих муайян асарда ҳархил характерга эга деб, айтиб ўтган эдик. Европа классиклари асарларини қашқар рубобда ижро, этганда аввало ўқувчи асар

на асарнинг муаллифи, яратилган даври, жанри ва шуналишини тушуниб етгандагина асарнинг бадий характерини ечиб бера олади. Масалан, Европа классиклари асарларини ижро этганда товуш майин, тиник, оҳангдор сифатларга эга бўлиши керак. Бунда зарб мизробнинг ўртаси билан берилиб, чап қўл бармоқлари билан пардаларни аниқ на қаттиқ босиш керак бўлади. Ўнг қўл ҳаракати амплитудаси қисқа ва енгил бўлса, ўзбек ҳалқ куйлари ва шашмақом намуналарида эса шу зарб ҳарракка нисбатан яқинроқ жойда урилиб, жарангдор, тиник товушга эришилади.

72-мисол

Прелюдия

Г. Гендель



73-мисол

Дил куйласин

М. Мирзаев




Худди шунга ўхшаш триоли штрих ҳам ўзбек рақс куйларида бутунлай бошқа характерга эга бўлиб товушларни пастга-тепага уриш тартиби ҳам турлича бўлади. Рус композиторлари ва Европа классикларининг асарлари ёки озарбайжон композиторлари асарларида эса бу штрихнинг характери қатъий триоль кўринишига эга бўлади.

74-мисол

**Тарантелла**

Жуда тез




75 - мисол

**Күшиқ ва рақс**

Үргача

*H. Савинов, С. Калонов*




Бундан ташқари паузалар ҳам күйнинг мелодик тузилмасида асосий үрин тутадиган ва стаккато усулида чалинадиган жумлаларда, айниқса ритмнинг жуда аниқлиги талаб этилади.

76 - мисол

**Полька пиццикато**

Енгил

*I. Штраус*



77-мисол

**Мухаммаси мавлон**

Оғир

Ўзбек ҳалқ қуи



Бу ҳам бадий ифодалиликнинг бир кўриниши булиб, шу билан кўйнинг характеристи очилади. Аниқ ритмни тарбиялаш ҳар бир ўқувчидаги ҳар-хил кечади. Шунинг учун санаш, метроном ёрдамида ўрганиш, фортециано жўрлигига ижро этиши, ансамблъ ижочилигининг турли кўринишларидан (дуэт, трио, квартет) фойдаланиш ва доира жўрлигига маҳсус кўйлар ўрганиш ўзининг яхши самарасини беради.


Рез штрихи айниқса жуда ранг-баранг. Биргина ўзбек мусиқасининг ўзида резнинг бир неча турини кўришимиз мумкин. Бухоро, Самарқанд йўналиши кўйларидаги резда узлуксизлик, жўшқинлик ва треполо билан ҳар хил ритмик кўринишлар чалинишини кўрсак, Фарғона-Тошкент йўлларидаги кўйларда бир мунча текис, тинқ, жарангдор резларни кўришимиз мумкин. Композиторлар ижодидаги асарларнинг бадий характеристидан келиб чиқиб, майинлик билан ижро этилган рез ғамгин, маъюс, ўйчанлик каби таъсуротларни қолдирса, бошқа бир асарда худди шу майин треполо билан тингловчига ором баҳси этадиган, руҳан хотиржамликка олиб келадиган таъсурот қолдиради.

78-мисол

**Элегия**

Оғир

*M. Бурҳонов*



## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТИ

Сўнгги йилларда Республикаизда Ўрта маҳсус ва Олий таълимнинг барча ўналишларида иқтидорли талабалар билан ишлаш, «устоз-шогирд» анъаналарини қайта тиклаш, уни ривожлантириш ва амалиётга кенг татбиқ қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фан ва техника ўзининг юқори тараққиёт чўққисига эришган, электрон дарсликлар, масофадан ўқитиш ҳамда янги инновацион педагогик технологияларнинг ўқув жараёнларига кенроқ татбиқ этилаётган, компьютер ва интернет тизимининг камров доираси кундан кун кенгайиб бораётган давр ўқитувчиши қандай бўлиши керак?

XXI аср-ахборот аспи деб бежиз айтилмаган. ҳозирги замон ўқувчилари телевидение, радио ва видео техникалари ҳамда интернет орқали жуда кўплаб ахборотлардан хабардор бўлиш имкониятларига эга бўлганликлари боис, уларнинг фикрлаш доираси жуда кенг. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ўқитувчиши шу ўқувчиларнинг қизиқишлидан хабардор бўлиши, уларнинг мустақил фикрларини эшита билиши ва инобатга олиши шу билан бирга уларнинг хато камчиликларини кўрсатиб тўғри йўлга йўналтириши лозим. Бу борада дарс жараёнига доимо ижодий ёндошиб, дарс ўтиш услубларини ва технологияларини замонавий руҳда ривожлантириб бориши керак.

Ҳар бир ўқитувчининг ўз услубияти бор. Лекин, шунга қарамай ўқитишнинг дастлабки даврлариданоқ ўқувчиларда ўқитилаётган чолгуга нисбатан қизиқиш уйғота олиш муҳимdir. Агар ўқитувчи ўқувчилар ҳурматини қозонган бўлса, шу ўқитувчига бўлган ҳурмат орқали ўқувчидаги ўрганаётган чолғусига меҳр пайдо бўлади.

Чолгу ижрочилиги бўйича ўқитиш индивидуал характерга эга бўлганлиги сабабли барча ўқувчиларга бир хил қараб бўлмаслиги ҳаммага маълум.

Ўқувчиларнинг характеристи, зеҳни ва қобилияти ҳар хил. Уларнинг баъзилари мусиқий қобилиятларини ёшлигиданоқ намоён қилишса, баъзиларини бирмунча кейинроқ кўзга ташланиши мумкин. Баъзилари ўта қобилияти, шу билан бирга жуда шўх, ўйинқароқ бўлишса, айримлари вазмин, ўртача қобилиятли, лекин меҳнатсевар бўлишлари мумкин ва ҳоказо. Ўқувчиларнинг характеристлари қанчалик хилма хил бўлмасин, лекин таълим – тарбиянинг талаблари барчага баробар бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам айнан ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор жуда мураккаб бўлиб, ўқитувчидан сабр-тоқатни ва ўқувчилар психологиясини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Чолгу ижрочилиги ўқитувчиси бошқа фан ўқитувчиларга нисбатан талабаларнинг таълим-тарбияси билан яқиндан шуғулланадиган шахс. Чунки индивидуал ишлаш жараёнида ўқитувчи талаба-ўқувчининг барча томонларини чуқур ўрганиб чиқади. Асосий мақсад чолғуда ижро этиш ва унинг сирларини ўрганиш бўлсада, бутун ўкув даври мобайнода (бошланғич мусиқа мактаби, лицей, коллеж ёки олий ўкув юрти ўкув даврида) талаба-ўқувчи билан бўладиган мuloқот ўқувчининг ижобий-салбий томонларини, оиласи шароитини яқиндан ўрганиб чиқишига имконият яратади.

Шунинг учун ҳам ўқувчидаги салбий сифатларни таълим-тарбиянинг турли шаклларидан фойдаланиб аста-секинлик билан йўқотиб, унинг ижобий сифатларини рағбатлантириб бориш, репертуар танлашда, ижро устида ишлаганда, умуман амалий машғулотлар жараёнида ўқувчининг шу сифатларини инобатга олиб иш куриш яхши самара беради.

Булардан ташқари ўқувчиларда ёш билан ва ҳар-хил оиласи шароитлар билан боғлиқ бўлган турли салбий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бундай ҳолатда ўқитувчидан шароитни атрофлича ўрганиб чиқиши, жуда сезирлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўриш талаб қилинади. ўқувчини руҳлантириш, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уни рағбатлантириш орқали бундай салбий ўзгаришларни олдини олиш мумкин.

Чунки, тажрибада эҳтиётсизлик билан айтилган бирон-бир сўз ёки ножуя ҳаракат туфайли қобилиятли ўқувчиларнинг бу соҳадан умуман узоқлашиб кетишлари ёки ўқитувчига нисбатан, мусиқага нисбатан салбий фикрларга эга булиб қолиш ҳолатлари кузатилади.

Ўқувчилар ҳоҳ бошлангич мактабларда, лицей-коллежларда бўлсин, ҳоҳ олий ўқув юртида бўлсин чолғу ижрочилигидан таълим берадиган ўқитувчисига ҳурмат ва ишонч билан қарайди. Бу ишончга ўқитувчи аввало ўзининг юқори даражадаги ижрочилик маҳорати, пухта билими, ўз ишига маъсулиятлилиги ва маданияти билангина эришиши мумкин.

Ўқитувчи ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзининг оқилона фикрлари билан ўқувчиларнинг диққатига сазовор бўлади. Ўқувчилар олдида бошқа ўқитувчиларга нисбатан салбий муносабатлар билдириш нафақат ўша ўқитувчининг балки ўзининг ҳам обрусига птур етказади. Аксинча халқимизнинг «устоз-отангдек улуғ» деган нақлига биноан ўқувчи-талабаларни доимо устоз-ўқитувчилар меҳнатини қадрлаб, уларга нисбатан ҳурмат-эътиборда бўлиш кераклигини уқтириб бормоқ керак. Иш жараёнида юзага келадиган қўпилаб муаммоли ҳолатларда ўқитувчининг фикри ҳақиқий фактларга асосланган ҳолда бўлиши лозим. Бу эса ўқувчининг воқеъликни тўғри таҳлил қилиш ва тўғри фикрлаш, объектив баҳолай олиш каби фазилатларини шаклланишида асосий омиллардан биридир.

Ўқувчилар билан самимий муносабатда бўлиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай муносабат ўқувчиларда шу чолғуга нисбатан меҳр ва қизиқиш уйғотади. Натижада ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги ва мустақил ишлаш жараёнидаги фаолликларига имконият яратади.

Аксинча, носамимий бўлган ҳар қандай ҳаракатни ўқувчилар тез илғайдилар. Уларнинг ўқитувчи билан бўлган муносабатида мажбурийлик, ўзларининг ҳақиқий муносабатларини беркитиш ҳолатлари пайдо бўлади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги самимий муносабат натижасида ўқувчини қизиқтирган саволлар туфайли ўзаро фикр алмашиш, ўз фикрини мустақил баён қилиш кўнилмалари шаклланадики, бу чолғу ижрочилик синфида бошлангич мусиқа мактабидан тортиб, олий ўқув юргидаги

ўқув жараёнида нафақат ижрочилик кўнилмалари-ю, маълум ижрочилик репертуари устида ишлаш, балки ўқувчи, бўлғуси созанда-муаллимларни ҳар томонлама мусиқавий ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Ўқувчи талабаларда пайдо бўладиган ижодий интилишларга, ижодий таклифларга монелик қилиш керак эмас. Аксинча уларни доимо қўллаб- қувватлаб имконият даражасида бундай таклифларни амалга оширишга ҳаракат қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини янада яхшиланишига олиб келади.

Аввало ўқитувчи ўқувчиларга ўзи ўрнак бўлиши керак. ўқитувчидағи талабчанлик, қатъиятлилик, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариши ўқувчиларга ўзининг таъсирини ўтказади. Бундан ташқари ўқувчиларга берилган вазифаларни доимо ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш ва назорат қилиш концертларга, ҳар-хил танловларга тайёрланиш ва уларда иштирок этиш ўқувчилардаги унга қўйилган масъулиятга жавобгарлик ҳиссини тарбиялаб боради.

Бирон бир чолғу ижрочилигидан дарс берадиган ўқитувчи фақат моҳир созанда бўлибгина қолмай, балки, умумий педагогика-психологиядан ва барча замонавий аҳборотлардан хабардор бўлиши ҳамда маҳсус адабиётлар билан қизиқиши, машҳур ўқитувчилар тажрибасини ўрганиши, шахсий тажрибасини доимо таҳлил қилиб, умумлаштириб бориши лозим.

Машҳур ўқитувчилар ўқитувчилик маҳоратининг муҳим тарафларидан бири, ҳар бир ўқувчидаги яхши хислатни вақтида топиб, унга эътибор бериш билан бирга уларнинг ирода кучига алоқадор бўлмаган камчиликларини юзига солиши ноўрин эканлигини ва умуман ўқувчи-талабалар шахсини ҳақоратлайдиган кўрсатмаларга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлайдилар.

«Ўқитувчининг дунёқараси, ижрочилик маҳорати, таълим методикаси ва унинг ижрочилик тўғрисидаги фикрлари бўлажак созандани шакллантириш учун ҳал қилувчи восита булиб хизмат қиласди. ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири-ўқувчининг билим ва кўнилмаларини ўзгартиришига раҳбарлик қилишидир».<sup>27</sup>

Ўзбек миллий мусиқаси ва ижрочилик санъати бизнинг авлодларимиздан оғзаки анъанада «устоздан-шогирдга» ўтиб, бизгача ўзининг бадиий қимматини тұла сақлаган ҳолда етиб келган.

«Устоз-шогирд» услуби ўзининг қадимий анъаналарига, афзалликларига эга бўлганки, ҳозирги замон чолғу ижрочилиги синфида ўқитувчи ва ўқувчи муносабати «устоз-шогирд» анъанасининг кўриниши десак муболага бўлмас. Демак, ҳозирги замон чолғу ижрочилиги ўқитувчини «устоз-шогирд» услубининг қадимий анъаналарининг сирларидан ҳам боҳабар бўлишса фойдадан холи бўлмас эди. Шундай экан ўқитувчи ва ўқувчи муносабати ўқувчи талабанинг оддий шогирдликдан—моҳир созанда даражасига етиб келишида ҳал қилувчи омиллардан биридир.

## ҚАШҚАР РУБОБИДА ИЖРОЧИЛИК АМАЛИЁТИ ВА СОЗАНДАЛАР

Тарихий манбаалардан маълумки, мусиқа ижрочилиги санъати жуда қадим даврлардан бўён мавжуд бўлиб, бизгача жуда узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган ҳолда, ўзининг ҳозирги мукаммал кўринишида етиб келди.

Бир қанча ёзма манбааларда минг йиллар давомида мусиқа, мусиқа чолғулари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижрочилик санъати, шунингдек моҳир созандалар ҳақидаги қимматли маълумотлар мавжуд.

Ўша даврларда Марказий Осиё, хусусан ҳозирги Узбекистон ҳудудида ижрочилик санъати оғзаки анъанада ривожланиб келди.

ХХ асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб мамлакатимизда турли мусиқий ўқув юртлари дастлаб Туркистон Халқ Консерваторияси (1918) ва унинг филиаллари, Тошкент давлат мусиқа билим юрти (1924), Наманган ва Бухоро мусиқа билим юрти (1932), Тошкент Давлат Консерваторияси (1936) ҳамда бир қатор мусиқа мактабларининг ташкил қилиниши ва йиллар давомида аста секин кўплаб ҳар-хил ижодий жамоалар, хусусан ансамбллар, унисон оркестрлар ва ниҳоят кўп овозли профессионал оркестрнинг ташкил этилиши ўзбек халқ чолғулари ижрочилик тарихида янги даврни бошлаб берди.

Айниқса, пойтахтимиздаги кўзга кўринган ансамбллар, оркестрларнинг ижодий фаолияти гуллаб яшнади. Бу даврда ижрочилик санъати ривожланиб, кўплаб ютуқларга эришилди. Энди ўзбек созларининг наволари нафақат Узбекистонда балки жуда кўплаб бошқа мамлакатларда ҳам янграй бошлади.

<sup>27</sup> Н.Шарипов «Рубоб примада ижро этишини ўргатиш методикаси» Т. 1990 й.

Ўзбек мусиқаси жаҳон саҳналарида намойиш қилиниб, тингловчилар томонидан юксак баҳоланди. Созанда ижро чиларнинг мамлакатимиздан ташқарида бўлиб ўтган танлов ва жаҳон фестиваларида қатнашишлари ҳамда совриндор бўлишлари ижро чилик санъатимизни юқори поғоналарга кўтарди. Хусусан, қашқар рубобчи созандалардан Аббос Баҳромов, Эргаш Шукруллаев ва Ари Бобохоновлар жаҳон ёшлар фестивали ғолиблари бўлишиди.

Ўтган асрда бирин-кетин тузилган Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги «Шодлик», «Лазги», «Гўзал», «Зарафшон» ва «Баҳор» каби ашула ва рақс ансамблари, Т.Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик ҳалқ чолгулари оркестри ва Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги Ю.Ражабий номли мақомчилар ансамбли, Д.Зокиров номли ҳалқ чолгулари оркестри, ҳамда сўнги йилларда чолғу ижро чилиги санъатига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган «Сўёдиёна» ҳалқ чолгулари Давлат камер оркестри ва кўплаб вилоятлардаги турли ашула ва рақс ансамблларининг Ўзбекистонда ва кўплаб хорижий мамлакатлардаги концерт фаолиятларида ижро чилик санъати, жумладан қашқар рубоби ижро чилиги ҳам тарғибот қилиниб, ривожлантириб келинмоқда.

Юқоридаги жамоалар таркибида машҳур рубобчи созандалардан Э.Шукруллаев, А.Баҳромов, Б.Мирзаҳмедов, А.Худойқулов, С.Тахалов, А.Бобохонов, Қ.Усмонов, Х.Лутфуллаев, Т.Ражабов, Б.Зиямұхамедов, И.Элтоев, Р.Каримов, О.Назаров каби созандалар ижод қилишган ва ижод қилмоқдалар.

Ижро чилик санъатини композиторлар ва бастакорлар ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон композиторларининг қашқар рубобига ёзилган маҳсус асарлари, қашқар рубоби ижро чилигининг янги-янги уфқларини очиб бермоқда.

Бу ўринда композиторлар М.Бафоевнинг қашқар рубоби ва оркестр учун «Поэма», қашқар рубоби ва оркестр учун «Концерт», И.Ҳамроевнинг «Концерт», О.Абдуллаеванинг қашқар рубоб ва оркестр учун «Концерт», Х.Рахимовнинг «Наврӯз», С.Ҳайитбоевнинг «Баллада», М.Отажоновнинг

қашқар рубоби ва фортециано учун «Концерт», Т.Азимовнинг «Дурдона» ва машҳур рубобчи созанда, бастакор М.Мирзаевнинг ўнлаб асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлиди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, қашқар рубоб ижро чилиги нафақат Ўзбекистонда, балки Хитойнинг Шинжонъ вилояти уйғурлари орасида, қўшни Туркманистон ва Тожикистон лавлатларида ҳам мавжуд бўлиб, у ердаги композиторлар ҳам бу борада салмоқли ижод қилмоқдалар. Тожик композиторлари С.Рустамов, Я.Сабзанов, Д.Дўстмуҳаммедов ва туркман композитори А.Худойназаров ҳамда уйғур композитори А.Усмонларнинг қашқар рубоби учун ёзилган асарлари бизнинг созандаларимиз томонидан ҳам севиб ижро этилади.

Бастакор ва машҳур рубобчи созанда М.Мирзаев ўтган асрнинг 50-60 йилларида жуда сермазмун ижод қилди. Уларнинг қашқар рубоби учун яратган ҳар бир асари ҳалқ орасида тез оммавийлашди. Устознинг ҳам бастакор сифатида ҳам созанда сифатидаги сермаҳсул ижоди қашқар рубоби созини ўзбекнинг ҳар бир хонадонига олиб кирди. Қашқар рубобида фарзанди Ш.Мирзаев билан биргаликда ижро этган дуэтлари ўзининг тақрорланмас жозибасига эга.

Бастакорнинг айнан қашқар рубоби учун басталаган «Баҳор вальси», «Янги тановор», «Завқим келур», «Ғайратли қиз», «Марғилон қизлари», «Интизор этма», «Гулруҳ», «Орзу дил», «Дил куйласин», каби ўнлаб мусиқалари, нафақат қашқар рубоби учун ёзилган асарлар репертуарини бойитди, балки қашқар рубоби ижро чилигининг ривожланишига, кенгайишига, ижро чилик маданиятининг юксалишига, қашқар рубобининг янгидан янги ижро имкониятларини очилишига сабаб бўлди.

Қашқар рубобчи созандалардан Э.Шукруллаев ва А.Баҳромовнинг ижоди айниқса таҳсинга сазовордир. Бу созандалар қашқар рубобида икки йўналишда ижро этган ва жаҳон фестивали ғолиблари булиш билан бирга ўзбек санъатини бошқа мамлакатларда намойиш қилган дастлабки рубобчилардандир. Уларнинг собиқ Совет Иттифоқи шаҳарлари бўйлаб гастролларда, Ўзбекистон санъати ва маданияти декадаларида қатнашишлари ва ўша концертларда қашқар рубобида якканавоз тарзда ижро этган куйлари таҳсинга сазовордир.

Муҳаммаджон Мирзаевнинг таниқли шогирдларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобилjon Усмонов ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти давомида ижрочилик санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган санъаткорлардан биридир. Дастребки ёзган «Бошлангич рубоб дарслиги» китоби деярли кейинги авлод рубобчилари учун асосий ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилди. Д.Зокиров номли ҳалқ чолгулари оркестридаги қарийиб 40 йиллик фаолияти даврида кўплаб куйларни, турли хил концертларда, телевидение ва радио тўлқинларида ижро этган.

Қашқар рубоби ижрочилигига ўз ўрнига эга бўлган моҳир созанда Адҳам Худойқуловдир. Ўзига хос ижро услубига эга бўлган бу созанда ижро этган ҳар бир куй техник жихатдан мураккаблиги, жозибаси ва тўлақонлилиги билан созандалар ва тингловчилар дикқатига сазовор бўлган. Республика радиоси фондида ушбу созанда ижросида кўплаб куйлар ёзib олинган.

Ўзбекистонда кўзга кўринган қашқар рубобчи созандалардан яна бири Ари Бобохоновдир. У М.Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юритидаги ўзининг кўп йиллик педагогик фаолияти давомида кўплаб етук рубобчи созандаларни тарбиялаш билан бирга доимий ижрочилик фаолиятини ҳам олиб борган. Юқорида таъкидлаганимиздек Жаҳон ёшилари фестивали галиби, Республика ёш ижрочилар танлови галиби, сабиқ Иттифоқ миқёсида ўтказилган кўплаб мусиқа анжуманларида, санъат декадаларида тингловчилар ҳамда мутахасисларининг олқишлирага сазовор бўлган бу санъаткор, шашмақом ижрочилигини мукаммал эгаллаш билан бирга замонавий композиторлар асарларини ҳам ижро этган созандалардандир. Устознинг қашқар рубоби учун басталаган «Хуррам», «Феруза», «Бухоро гўзали» каби асарлари жуда машҳур бўлиб рубобчиларнинг энг севимли асарларидан бирига айланган. Бир неча бор Германияда ижодий гастролларда бўлиб, немис тингловчилари олқишлираги олган. А.Бобохонов ижросида кўплаб куйлар Ўзбекистон радиоси олтин фондида сақланмоқда.

Республикамизнинг кўплаб созандалари устози, Тошкент давлат Консерваториясининг сабиқ профессори Сулаймон Тахаловнинг чолғу ижрочилиги санъатига қўшган ҳиссаси

салмоқлидир. С.Тахалов ижрочилик фаолияти билан бир қаторда ўзининг педагогик фаолиятлари давомида Т.Ражабий, Р.Қосимов, И.Эртоев, Б.Мирфаёзов, Б.Эргашев, Р.Каримов, О.Назаров каби ўнлаб етук ижрочи-созандаларни тарбиялади. С.Тахалов ҳам икки йўналиш, яъни ҳам анъанавий ижро йўналишини, ҳам академик ижро йўналишини мукаммал эгаллаган санъаткордир. Унинг ижросидаги куйлар грампластиналарга ва Ўзбекистон радиоси олтин фондида ёзib олинган.

Устоз санъаткор М.Мирзаевнинг фарзанди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор, машҳур рубобчи созанда Шавкат Мирзаев қашқар рубоб ижрочилигини тинимсиз ривожлантириб, тарғибот қилиб келмоқда. Устознинг ишларини давом эттириб кўплаб куй ва қўшиқлар басталаш билан бирга эл севган хонандалар билан доимий ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида ўз санъатларини намойиш этган.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги маҳомчилар ансамблида узоқ вақт ижод қилган устоз М.Мирзаевнинг шогирдларидан яна бири Турғун Авазов ҳам кўзга кўринган моҳир рубобчилардандир. Унинг ёрқин ижрочилик маҳоратлари ўзига хос бўлиб қашқар рубобида ижро этган кўплаб «Шашмақом» намуналари Ўзбекистон радиоси олтин фондида сақланмоқда.

Истеъдолли рубобчи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабийнинг ижро услуби улардан фарқ қиласи. У академик йўналиш билан бир қаторда анъанавий ижро йўналишларини пухта эгаллаган санъаткорлардан биридир. Уларнинг ижросида 100 дан ортиқ куй ва қўшиқлар ҳамда композиторлар асарлари якка рубоб ижросида, ансамбллар, ҳалқ чолгулари оркестри ва эстрада симфоник оркестри жўрлигида магнит ленталарига ёзилиб, Ўзбекистон радиоси олтин фондида сақланмоқда. Т.Ражабий Венгрия, Германия, Россия каби давлатларда гастролларда бўлиб, ўзларининг моҳирона ижролари билан тингловчилар олқишлираги олган.

Академик услугб ижрочиси Баҳодир Зиямухаммедов Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги Т.Жалилов номли ҳалқ чолгулари оркестрида ва Тошкент давлат консерваториясида узоқ йиллар самарали ижодий педагогик фаолият олиб

борган таниқли рубобчи ва кўплаб шогирдларни тарбиялаган устозлардан биридир. Оркестр жамоаси таркибида кўплаб гастрол-концертларда, декадаларда қатна-шиб, яккахон ижрочи сифатида ўз санъати орқали рубоб ижроилигини тарғибот қилган.

Қашқар рубоби ижроилигидаги салмоқли ижод қилган яна бир созанда бу Ҳусан Набиев бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Консерваториясида ёшларга ижроилик санъатидан таълим берib келмоқда. У ижро этган кўплаб куйлар Ўзбекистон радиоси олтин фондидан жой олган.

Шашмақом асарларини қашқар рубобида юксак маҳорат билан ижро этган рубобчи Рифатилла Қосимовдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Консерваторияси анъанавий ижроилик кафедраси раҳбари, профессор Р. Қосимов қашқар рубоби учун яратилган бир нечта ўқув қўлланмалари муаллифидир. У 1983 йилда бўлиб ўтган 1-маҳомчилар Республика танлови ғолиби. Рубоб ижроилигини Италия, Франция, Япония каби мамлакатларда намойиш этган. Р. Қосимов ижро этган асарлар ўзининг ёрқинлиги ва жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг ижросида шашмақом асарлари грампластинкага ва Ўзбекистон радиоси олтин фондига ёзиб олинган.

Мусиқа мактабида ёшларга тарбия бериш билан бирга ижроилик фаолиятини ҳам олиб боган ва ижроиликда F3 ўрнига эга бўлган Муродилла Норқулов етук рубобчилардан бири эди. У кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблида фаолият олиб борган.

Умрининг охиригача изланиб, самарали ижод қилган моҳир созандалардан яна бири Абдулҳамид Мирҳамидов бўлиб, рубоб, соз, манзур каби чолгуларда ансамбль, оркестрлар жўрлигидаги бир қанча куйларни маромига етказиб ижро этган. Созандалар ва тингловчилар томонидан юқори баҳоланган ҳамда доимо севиб тингланадиган бу ёзувлар Ўзбекистон радиоси олтин фондидан жой олган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева F. Тошматов номли дугорчилар ансамблида узоқ йиллардан бери ижод қилиб келаётган созандалардан бири. Санъаткор ўз ижоди билан ижроилик санъати ривожига муносиб ҳиссаларини қўшган аёл рубобчилардандир.

Ўзбекистон давлат консерваториясида таълим берib келаётган мураббий, моҳир рубобчи Баҳодир Мирфаёзов ижоди ўзига хосдир. У Т. Жалилов номли ўзбек ҳалқ чолгулари оркестрида самарали ижоди билан кўплаб концертларда тингловчилар эътиборини қозонган.

Тоҳир Турғунов кўп йиллардан буён Ўзтелерадиокомпания қошидаги Д. Зокиров номли ҳалқ чолгулари оркестрида, кейинчалик «Тановор» ансамбли ва Ю. Ражабий номли маҳом ансамблида тинимсиз ижодий фаолият олиб рубобчи созандалардан биридир. Бу созанда ижросида бир қанча асрлар Республика радиоси олтин фондига ёзиб олинган.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги ҳалқ чолгулари ансамблида кейинроқ, Д. Зокиров номли ҳалқ чолгулари оркестрида ижод қилган созанда Шамсиддин Нурилдинов ўз ижодлари билан кўзга кўринган рубобчилардан ҳисобланади. У томонидан бир қанча бастакорлар асарлари нотага олинган ва магнит тасмаларига туширилган.

Республика танлови совриндори, кўзга кўринган созандалардан яна бири Рустам Каримовдир. Ўзтелерадиокомпания қошидаги Д. Зокиров номли ҳалқ чолгулари оркестрида кўп йиллар давомида салмоқли ижод қилган бу санъаткор ижросида ҳам кўплаб асарлар магнит ленталарига ёзилган. Ижодий сафарларда Франция, Қозогистон, Германия каби давлатларда гастролларда бўлиб, ўз санъатини намойиш этган.

Ўзтелерадиокомпания қошидаги Ю. Ражабий номли маҳом ансамбли созандаси Равшан Абдуазимов устозлар анъаналарини давом эттироқда. У ижроилик санъати сирларини ўрганиб, уни ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ёш санъаткорлардан бири. Ижроилик фаолияти билан бир қаторда ёшларга санъат сирларини ҳам ўргатиб келмоқда.

Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа колледжида ёшларга рубоб чалиш сирларини ўргатиб келаётган ёш мураббийлардан яна бири Республика маҳом ижроилари танлови ғолиби Мансур Воисов. Анъанавий йўналишда юқори маҳоратга эга бўлган бу созанда бугунги кунда устоз рубобчилар ишини давом эттириб келмоқда.

Айтиш жоизки, қашқар рубоби ижрочилигининг ривожланишига Республика миқёсида ўтказилган ёш созанда ижрочилар Республика танлови ва Республика мақом ижрочилари кўрик танловларининг аҳамияти катта бўлди. Бу ўтказилган танловлар натижасида кўплаб қуйидаги танловлар совриндорлари, моҳир созандалар етишиб чиқдилар:

Бундан ташқари 1983 йилдан мунтазам ўтказилиб келинаётган Республика мақом ижрочилари танловларида Р.Қосимов, Н.Лутфуллаев, Ў.Оллоберганов каби ўнлаб рубобчи созандалар юқори ўринлардан жой олганлар.

Созандалардан М.Мирзаев, А.Бобохонов, Т.Ражабов, С.Тахалов, Р.Қосимовлар ижро услуби алоҳида мактаб даражасига кўтарилдики, ҳозирги кунда ижрочиликда асосан шу йўналишларни кузатишимиш мумкин.

Мазкур кўлланмада ёритилган ўқитиши услубиёти, ижро услублари, ижро безаклари каби кўплаб масалалар асосан ҳозирги кунда қўлланиб келинаётган устозлар ижро йўналишлари ҳамда ижрочилик тажрибалари асосида ёндашилди.

## **ҚАШҚАР РУБОБИДА ИЖРО ЭТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АСАРЛАР РЎЙХАТИ**

Кўйида қашқар рубобида ижро этиладиган асарлар рўйхати тегишли қисмларга ажратиб, намуна сифатида келтирилди. Асарларнинг нота матнлари, қашқар рубоби учун яратилган кўплаб дарслик ва тўпламларда, шу билан бирга турли тўпламларда, хусусан скрипка, домра ва балалайка учун хрестоматияларда нашр қилинган. Лекин, ўзбек халқ куйлари ва бастакорларнинг доира жўрлигига ижро этиладиган асарлари, ҳамда шашмақом ва мақом йулида чалинадиган қуйларнинг нота матнлари мавжуд бўлмай, уларнинг магнит тасмаларига ёзилган намуналари Республика радиоси олтин фондида сақланмоқда. Бу асарларнинг айримлари маҳсус рубоб учун яратилган бўлса, баъзилари ашулашадир. Улар созандалар томонидан чолғу куйлари сифатида ҳам якка созларда севиб ижро этилади. Нота матнлари бўлмасада, рубобчи созандалар томонидан доимий ижро этиб келинаётганлиги боис, бу асарлар ҳам ушбу рўйхатга киритилди.

### **I. Ўзбек халқ куйлари**

1. Қашқарча.
2. Яллама ёрим.
3. Андижон полькаси.
4. Ёввойи Тановар.
5. Қари наво.
6. Фарғонача.
7. Фарғонача рез.
8. Алиқамбар.
9. Шароп I.
10. Гулбаҳор ва Тановар.

11. Дилхирож.
12. Уфори санам.
13. Роҳат.
14. Галдир.
15. Сояи.
16. Ҳожиниёз I-II-III.
17. Муножот I-II-III.
18. Адолат Тановари.
19. Курд.
20. Ёлғиз.
21. Қайтарма.
22. Норим-норим.
23. Шафоат.
24. Эй, чехраси тобоним.
25. Гиря I-II.
26. Құча бөғі I.
27. Сабоҳ.
28. Ражабий.

## II. Бастикорлар ижодига мансуб (доира жүрлигіда) ижро этиладиган асарлар

1. А.Бобохонов – «Хуррам»
2. А.Бобохонов – «Феруза»
3. А.Бобохонов – «Бухоро гўзали»
4. М.Мирзаев – «Интизор этма»
5. М.Мирзаев – «Гулноз»
6. М.Мирзаев – «Орзу дил»
7. М.Мирзаев – «Дил куйласин»
8. М.Мирзаев – «Эй гул»
9. М.Мирзаев – «Гулрух»
10. М.Муртазоев – «Таманно»
11. М.Муртазоев – «Бир ишва билан»
12. М.Муртазоев – «Фарғона тонг отгунча»
13. Ф.Содиқов – «Бўл менга маҳбуб»
14. Ф.Содиқов – «Кўрсатмагай»
15. Ф.Содиқов – «Гул фасли»
16. Ф.Содиқов – «Фаввора»

17. Т.Жалилов – «Бизнинг айвон»
18. Т.Жалилов – «Үргилай»
19. Т.Жалилов – «Ўйнасин»
20. Т.Жалилов – «Гулистоним менинг»
21. К.Жабборов – «Наззора қил»
22. К.Жабборов – «Этмасмидим»
23. К.Жабборов – «Бу кўнгул»
24. Ж.Султонов – «Гулузорим қани»
25. Ж.Султонов – «Оҳ ким»
26. Ж.Султонов – «Ўлмасун»
27. Ж.Султонов – «Найлайн»
28. Ф.Тошматов – «Осмондаги юлдузни»
29. Ф.Тошматов – «Гулжамол»
30. Ф.Тошматов – «Кезарман»
31. О.Хотамов – «Қаро бўлибдур»
32. О.Хотамов – «Бизни шайдо»
33. Ю.Ражабий – «Эшвой»
34. Ю.Ражабий – «Куйгай»
35. Ю.Ражабий – «Тулқин»
36. Ф.Мамадалиев – «Кетсам агар»
37. Ф.Мамадалиев – «Кўнгил»
38. А.Исмоилов – «Тонг»
39. А.Исмоилов – «Ойбулоқ»
40. Ҳ.Абдулазиз Абдурасулов – «Қўшчинор»
41. Ҳ.Абдулазиз Абдурасулов – «Гулузорим»
42. Р.Турсунов – «Шаҳло»
43. Р.Турсунов – «Шўхи пари»
44. М.Левиев – «Файратли қиз»
45. М.Левиев – «Ўрик гуллагандা»
46. С.Йўлдошев – «Ором»
47. Г.Рузибоев – «Феруза»
48. Н.Хасанов – «Табриклайман»
49. М.Ниёзов – «Раъно ўйнасин»
50. Д.Зокиров – «Эй сабо»
51. Ҳ.Тўхтасинов – «Билиб бўлмас»
52. С.Калонов – «Армуғоним»
53. С.Тўхтасинов – «Айлагач»
54. Ф.Содиқов – «Ўзбекча вальс»

### **III. Фортепиано жүрлигіда ижро этиладиган ұзбек композиторлари асарлари**

1. Ұзбек халқ қуи – «Дутор баёти» Ф.Васильев, Э.Шукруллаев қайта ишлаган.
2. Ұзбек халқ қуи – «Чаманда гул». Б.Гиенко қайта ишлаган, Р.Ибрагимов қашқар рубобига мослаштирган.
3. Ұзбек халқ қуи – «Бўғмача билагим». Р.Ибрагимов нотага олган ва қайта ишлаган.
4. Афғон халқ қуи – «Жалолобод». Р.Ибрагимов иккита рубоб ва фортепиано учун қайта ишлаган.
5. Уйғур халқ құшиқлари асосида – «Құшиқ ва рақс». Р.Ибрагимов қайта ишлаган.
6. Хоразм халқ қуи – «Қорадали». С.Хайитбоев қайта ишлаган.
7. С.Жалил қайта ишлаган – «Араб рақслари». А.Юргаев рубоб учун мослаштирган.
8. Уйғур халқ құшиғи – «Она орзуси». Р.Қипчоқов қашқар рубоб ва фортепиано учун мослаштирган.
9. Ұзбек халқ қуи – «Шунисида бир гап бор». Э.Шукруллаев қайта ишлаган.
10. Тожик халқ қуи – «Найрез». Б.Гиенко қайта ишлаган
11. И.Акбаров – «Гуллола»
12. М.Левиев – «Оҳангарон»
13. Т.Азимов – «Дурдона»
14. Д.Зокиров – «Зайнаб ва Омон» операсидан «Рақс»
15. Д.Зокиров – «Кўрмадим»
16. Ф.Содиқов, Р.Глиэр – «Лайли ва Мажнун» операсидан «Рақс».
17. М.Саутов – «Құшиқ ва рақс».
18. М.Мирзаев, В.Васильев – «Уйғурча құшиқ ва рақс».
19. С.Хайитбоев – «Баллада».
20. М.Мирзаев – «Завқим келур».
21. М.Мирзаев – «Баҳор вальси».
22. М.Мирзаев – «Шодлик».
23. М.Мирзаев – «Янги тановор».
24. М.Мирзаев – «Марғилон қыздары».
25. Ф.Назаров – «Ёшлик».

26. Ф.Назаров – «Пахтаой».
27. Э.Шукруллаев – «Баҳор».
28. Ҳ.Раҳимов – «Наврӯз».
29. Т.Жалилов – «Отмагай тонг» Р.Қипчоқов қашқар рубоби ва фортепиано учун мослаштирган.
30. Ж.Султонов – «Раққосасидан» Р.Қипчоқов қашқар рубоби ва фортепиано учун мослаштирган.
31. Қ.Комилов – «Наргиза».
32. Қ.Комилов – «Моҳим».
33. И.Раҳимов – «Сабо».
34. Н.Норхўжаев – «Ҳаракатда баракат».
35. Н.Норхўжаев – «Хиргойи».
36. С.Юдаков – «Теримчилар құшиғи».
37. Қ.Қодиров – «Рақс».
38. Ҳ.Раҳимов – «Вальс».
39. Г.Собитов – «Рақс».
40. Ҳ.Раҳимов – «Тарона».
41. М.Бафоев – «Гуллар рақси», «Умар Хайём» операсидан.
42. Ф.Алимов – «Рақс».
43. Т.Жалилов – «Нурхон арияси». «Нурхон» мусиқали драмасидан. А.Юргаев қайта ишлаган.
44. С.Жалил – «Учта шарқона күй».
45. Н.Савинов, С.Калонов – «Құшиқ ва рақс».
46. Д.Зокиров – «Жазоир».
47. М.Ашрафий – «Фарғонача рақс».
48. Г.Қўчқоров – «Гул фунча».
49. Г.Қўчқоров – «Интизор».
50. С.Карим-Хожи – «Фазал».
51. М.Бафоев – «Поэма» қашқар рубоби ва форепиано учун.

### **IV. Шашмақом ва мақом йўлидаги куйлар**

1. «Наврӯзи ажам».
2. «Ажам тароналари» I-II.
3. «Мушкулоти Дугоҳ».
4. «Мушкулоти Дугоҳ талқинчаси».
5. «Самои Дугоҳ».
6. «Таржеъ Наво».

7. «Таснифи Дугоҳ».
8. «Гардуни Дугоҳ».
9. «Наво», «Савти Наво», «Чархи Наво».
10. «Мухаммаси Бузрук».
11. «Мухаммаси Насруллои».
12. «Мухаммаси Баёт».
13. «Нағмаи Орази Наво».
14. «Сарахбори Дугоҳ» VI – таронаси.
15. «Ҳафиғи Сегоҳ».
16. «Гардуни Сегоҳ».
17. «Насри Сегоҳ»
18. «Чапандози Баёт».
19. «Чоргоҳ» I-II
20. «Чапандози Муҳайяр».
21. «Муҳаммаси ушшоқ». Хоразм мақомидан.
22. «Садри Гусванд».
23. «Сегоҳ».
24. «Баёт».
25. «Чапандози Баёт»
26. «Дугоҳ Ҳусайний».

#### V. Чет эл композиторлари асарларидан намуналар

1. Н.Бакланов – «Хоровод».
2. М.Глинка – «Полька».
3. Л.Боккерини – «Менуэт».
4. М.Аҳмедова – «Она».
5. М.Ҳусайнли – «Жўжаларим».
6. Ф.Амиролов – «Эрталаб» кинофильмидан «Аслан қўшиғи».
7. Ф.Гендель – «Прелюдия».
8. Ф.Шуберт – «Серенада».
9. С.Рахманинов – «Италянча полька».
10. Г.Артемовский – «Рақс».
11. В.Обер – «Танбуурин».
12. А.Бобоев – «Чоргоҳ».
13. Н.Раков – «Прогулка» («Сайр»).
14. Н.Нариманидзе – «Давлuri».
15. П.Чайковский – «Русча рақс».

16. В.Глюк – «Мелодия».
17. П.Чайковский – «Куз қўшиғи».
18. Э.Дженкинсон – «Рақс».
19. А.Хачатурян – «Вальс». А.Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзган мусиқасидан.
20. В.Глазунов – «Испанча серенада».
21. З.Палиашвили – «Лекури».
22. А.Аветисов – «Жок».
23. В.Монти – «Чардаш».
24. М.Огинский – «Полонез».
25. Н.Нариманидзе – «Грузинча рақс».
26. Ц.Кюи – «Тұхтовсиз ҳаракат».
27. М.Де Фалья - «Испанча рақс».
28. Ж.Бизе – «Кармен» операсига муқаддима.
29. А.Калинкин – «Украинча фантазия».
30. В.Моцарт – «Кичик серенада».
31. И.С.Бах – Ш.Гуно – «Аве Мария».
32. С.Алескеров – «Тұхтовсиз ҳаракат».
33. С.Алескеров – «Тарантела».
34. В.Моцарт – «Рондо».
35. И.Брамс – «Венгерча рақс» № 2, № 5.
36. А.Герай – «Бахчакюрд».
37. Н.Римский-Корсаков – «Арининг парвози». «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» операсидан.
38. А.Арутунян – «Қиличбозлар рақси».
39. Н.Паганини – «Венецианча карнавал».
40. С.Цинцадзе – «Сочида».
41. С.Ҳамраев – «Ҳиндча рақс».
42. У.Ҳожибеков – «Рақс». «Гүрӯели» операсидан.
43. Е.Авксентьев – «Урал оҳанглари».
44. С.Туликов – «Каприччио».
45. В.Калинников – «Русча интермеццио».
46. М.Мусоргский – «Гопак». «Сорочинская ярмарка» операсидан.
47. П.Чайковский – «Романс».
48. Г.Ризаев – «Рапсодия».
49. Ф.Гендель – «Пассакалья».
50. А.Дворжак – «Юмореска».

51. В.Яковлев – «Концерт-фантазияси». Куба оҳанглари асосида.
52. Э.Женкинсон – «Рақс».
53. Ж.Санайе – «Адажио ва аллегретто». Соль минор сонатасидан.
54. И.Альбенис – «Астурия».
55. П.Сарасате – «Интродукция ва тарантелла».
56. К.Сен-Санс – «Интродукция ва тарантелла».

## **VI. Йирик шаклдаги асарлар**

1. О.Ридинг – «Концерт» си минор. Скрипка ва фортепиано учун.
2. А.Вивальди – «Концерт» ля минор. Скрипка ва фортепиано учун учун.
3. И.С.Бах - «Концерт» ля минор. Скрипка ва фортепиано учун.
4. У.Хожибеков – «Фантазия № 2» I, II қисмлар. Тор ва фортепиано учун.
5. Ҳ.Ҳонмамедов – №1, №2, №3 Концертлар. Тор ва симфоник оркестр учун.
6. С.Алескеров - №1 Концерт. Тор ва симфоник оркестр учун.
7. С.Алескеров – «Сонатина». Тор ва фортепиано учун.
8. В.Моцарт – «Соната №5». Скрипка ва фортепиано учун.
9. Ф.Гендель – «Соната №6». Скрипка ва фортепиано учун.
10. П.Сарасате – «Концерт-фантазия» Ж.Бизенинг «Кармен» операси мавзулари асосида.
11. П.Чайковский – «Рококко» темасига вариация. Виолончель ва фортепиано учун.
12. Н.Паганини – «Каприс № 24».
13. Ф.Лист – «Венгерча рапсодия» № 2, № 6.
14. Э.Григ – «Соната № 2». Скрипка ва фортепиано учун.
15. А.Усмон – «Концерт – фантазия». Қашқар рубоби ва оркестр учун.
16. Д.Дұстмуҳаммедов – «Концерт». Қашқар рубоби ва оркестр учун.
17. Л.Бетховен – «Соната №5». Скрипка ва фортепиано учун.
18. Ф.Амиров – «Мугам – поэма». Тор ва оркестр учун.

19. В.Моцарт – «Концерт» Ре мажор. Скрипка ва фортепиано учун.
20. А.Хачатурян «Концерт» Скрипка ва фортепиано учун
21. Д.Кабалевский «Концерт» Виолончель ва фортепиано учун.
22. М.Отажонов. Қашқар рубоби ва фортепиано учун концерт.
23. М.Отажонов. Афғон рубоби ва фортепиано учун концерт.
24. И.Ҳамроев – «Концерт» қашқар рубоби ва форепиано учун.
25. Ҳ.Раҳимов – «Концерт» қашқар рубоби ва форепиано учун.
26. О.Абдуллаева –«Концерт» қашқар рубоби ва фортепиано учун.
27. М.Бафоев – «Концерт» қашқар рубоби ва форепиано учун.
28. В.Зудов – «Концерт» қашқар рубоби ва форепиано учун.

## ҚАШҚАР РУБОБИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

1. Ф.Н.Васильев. «Рубоб дарслиги». Т., «Ўқитувчи» 1963.
2. Ф.Н.Васильев. «Қашқар рубоби учун гамма ва арпеджио аппликатураси». «Ўқитувчи», Т., 1978.
3. Қ.Усмонов. «Бошланғич рубоб дарслиги». Т., «Ўқитувчи» 1975.
4. Қ.Усмонов. «Бошланғич рубоб дарслиги». 2-нашр. Т. «Ўқитувчи» 1995.
5. Қ.Усмонов. «Бошланғич рубоб дарслиги». F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т., 2004.
6. Б.Мирзаҳмедов, Қ. Усмонов, В.Ташхўжаев. «Рубоб дарслиги». Т., «Ўқитувчи» 1984.
7. А.Умаров, О.Холматов «ўзбек халқ чолғу асбоблари бўйича хретоматия». Т., «ўқитувчи», 1983 й.
8. А.Варелас. «Пьесы для узбекских народных инструментов с фортепиано». Т., 1988.
10. Ҳ.Нурматов. «Рубоб дарслиги». Т., «Ўқитувчи». 1993.
11. Ҳ.Нурматов. «Қашқар рубоби тароналари». Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1989.
12. Ҳ.Нурматов. «Рубоб дарслиги». F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т., 2003.
13. Р.Қосимов. «Анъянавий рубоб ижрочилиги». Т. «Ўзбекистон». 1999.
14. Р.Қосимов. «Рубоб наволари» Т., 1993.
15. Ҳ.Набиев. «Муножот» (Қашқар рубобига мослаштирилган ўзбек халқ куйлари) Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази. Т., 1993.
16. С.Ҳайитбоев. «Напевы кашкарского рубаба». Т., 1983.
17. С.Усмонов. «Рубоб тароналари». Т., «Ўқитувчи», 1983.
18. С.Ҳайитбоев. «Рубоб тароналари». Т. 1994.
19. Р.Ибрагимов. «Қашқар рубоби учун куйлар» (қўлёзма).
20. Ш.Шораҳметов. «Мақом йўлларида машқлар ва куйлар тўплами». «Билим» нашриёти, Т., 2005.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов «Истиқдол ва маънавият» Т. «Ўзбекистон» 1994.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. «Ҳалқ сўзи» 1997-йил 30 сентябрь.
3. Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида; Ўзбекистон Президентининг Фармони. Т. 1997.
4. Акбаров И.А. «Музика луғати». F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
5. Васильев Ф.Н. «Қашқар рубоби учун гамма ва арпеджио аппликатураси». Т. Ўқитувчи, 1978.
6. Вызго Т.С. «Ўрта Осиё мусиқа чолғулари». Тарихий очерк. М. 1980.
7. Евдокимов Ю, Аҳмедов И. Русча-ўзбекча қисқача музика терминлар луғати. Т., «Ўқитувчи» – 1970.
8. Иргашев Ф. «Гуллар рақси». F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1983.
9. Кароматов Ф. «Узбекская инструментальная музыка». М. «Музыка», 1987.
10. Методические записи шк.им. Успенского. (Мақолалар тўплами). F.Фулом номидаги нашриёти. Т. 1992.
11. Миронов Н. «Музыка узбеков». Ўзбекистон давлат нашриёти. Самарқанд. 1929.
12. Назаров А.К. «Бас дутор дарслиги» Т. Ўқигувчи 1983.
13. Назиров К. «Ойбулоқ» Т.1993.
14. Нематилло Маъжозий «Таворихи мусиқийн». Пекин миллатлар нашриёти. Пекин, 1982.
15. Одилов А. «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи» Т. «Ўқитувчи» 1995.
16. Петросянц А. «Чолғушунослик» З-нашри Т. 1990.

17. Ражабов И. «Мақомлар масаласига доир» Т. 1963.
18. Расултоев Ж. «Ўзбек дутор ижрочилиги» Т. «Ўқитувчи». 1997.
19. Семёнов. «Среднеазиатский трактат о музыке» Т. 1946.
20. Тахалов С.М. «Афон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари». Т. 1983.
21. Турсунжон Латип «Үйғур чолғу асбоблари» Шинжонъ Университети нашри. 1997.
22. «Үйғур мақомининг алоҳидалиги» Шинжонъ халқ нашриёти. 1995.
23. Усмонов Қ. «Бошлангич рубоб дарслиги». Т. 1995.
24. Фитрат А. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т. 1993.
25. Шарипов Н. «Рубоб примада ижро этишни ўргатиш методикаси» Фофур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1990.
26. Қосимов Р. «Рубоб наволари» Т. 1993.
27. Қосимов Р. «Анъянавий рубоб ижрочилиги». Т. 1999.
28. Крунтяева Т.С, Молокова Н.В. «Словарь иностранных музыкальных терминов» Л. «Музыка». 1987.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов «Истиқлол ва маънавият» Т. «Ўзбекистон» 1994.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. «Ҳалқ сўзи» 1997-йил 30 сентябрь.
3. Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида; Ўзбекистон Президентининг Фармони. Т. 1997.
4. Акбаров И.А. «Музика лугати». F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
5. Васильев Ф.Н. «Қашқар рубоби учун гамма ва арпеджио аппликатураси». Т. Ўқитувчи, 1978.
6. Вызго Т.С. «Ўрта Осиё мусиқа чолғулари». Тарихий очерк. М. 1980.
7. Евдокимов Ю, Аҳмедов И. Русча-ўзбекча қисқача музика терминлар лугати. Т., «Ўқитувчи» – 1970.
8. Иргашев Ф. «Гуллар рақси». F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1983.
9. Кароматов Ф. «Узбекская инструментальная музыка». М. «Музыка», 1987.
10. Методические записи шк.им. Успенского. (Мақолалар тўплами). F.Фулом номидаги нашриёти. Т. 1992.
11. Миронов Н. «Музыка узбеков». Ўзбекистон давлат нашриёти. Самарқанд. 1929.
12. Назаров А.К. «Бас дутор дарслиги» Т. Ўқитувчи 1983.
13. Назиров Қ. «Ойбулоқ» Т.1993.
14. Неъматилло Маъжозий «Тавориҳи мусиқийн». Пекин миллатлар нашриёти. Пекин, 1982.
15. Одилов А. «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи» Т. «Ўқитувчи» 1995.
16. Петросянц А. «Чолғушунослик» З-нашри Т. 1990.

17. Ражабов И. «Мақомлар масаласига доир» Т. 1963.
18. Расултоев Ж. «Ўзбек дутор ижрочилиги» Т. «Ўқитувчи». 1997.
19. Семёнов. «Среднеазиатский трактат о музыке» Т. 1946.
20. Тахалов С.М. «Афгон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари». Т. 1983.
21. Турсунжон Латип «Уйғур чолгу асбоблари» Шинжонъ Университети нашри. 1997.
22. «Уйғур мақомининг алоҳидалиги» Шинжонъ халқ нашриёти. 1995.
23. Усмонов К. «Бошланғич рубоб дарслиги». Т. 1995.
24. Фитрат А. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т. 1993.
25. Шарипов Н. «Рубоб примада ижро этишни ўргатиш методикаси» Фоғур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1990.
26. Қосимов Р. «Рубоб наволари» Т. 1993.
27. Қосимов Р. «Анъанавий рубоб ижрочилиги». Т. 1999.
28. Крунтяева Т.С, Молокова Н.В. «Словарь иностранных музыкальных терминов» Л. «Музыка». 1987.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан .....	4
Қашқар рубоби ҳақида маълумот .....	7
Қашқар рубобида ижрочилик таълими .....	14
Рубобни ушлаш ва товуш ҳосил қилиш кўнималарини шакллантириш .....	16
Чап қўл бармоқлари	
ҳаракатларини ўзлаштириш .....	21
Штрихлар ва уларни ижро этиш усуллари .....	28
Қашқар рубобида позициялар ва уларнинг аҳамияти .....	42
Аппликатура ва унинг қўлланиши .....	48
Гаммалар ва машқлар. Уларнинг ўкув жараёнидаги ўрни .....	52
Мусиқий безаклар ва уларни ижро этиш усуллари .....	64
Ижрочиликнинг бадиий хусусиятлари устида ишлаш .....	77
Мусиқий таълимда устоз-шогирд муносабати .....	82
Қашқар рубобида ижрочилик амалиёти ва созандалар .....	87
Қашқар рубобида ижро этишга тавсия этиладиган асарлар рўйхати .....	95
Қашқар рубоби учун яратилган дарслик ва ўкув қўлланмалар .....	104
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	105

ОДИЛЖОН НАЗАРОВ

**ҚАШҚАР РУБОБИДА  
ҮҚИТИШ УСЛУБИЁТИ**

(Маданият ва санъат лицей, коллежларининг талабалари ва  
үқитувчилари учун үқув-услубий қўлланма)

Муҳаррир  
Техник муҳаррир  
Компьютерда тайёрловчи *Бахтиёр Ашуро*

Босишига рухсат этилди 03.03.2008.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма.фсет қофоз  
Шартли б.т. 7,0. Адади 500 нусхада.

“Offset Print” МЧЖ босмахонасида босилди  
Тошкент ш., Б. Иноятов кўчаси 20 а.  
Буюртма: №48



**Назаров Одилжон Фозилович**

1964 йилда туғилган.

Республика танлови совриндори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат кон-  
серваторияси катта ўқитувчisi.  
Бир неча ўкув қўлланмалари ва  
мақолалар муаллифи.